Ўзбекистон овози

Рўзнома 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий рўзномаси

№ 225 (21.092) 1991 йил 21 ноябрь, пайшанба • Баҳоси 8 тийин.

ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ САККИЗИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА

АХБОРОТ

20 ноябрь куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг сессияси ўз ишини давом эттирди.

Мажлисни Олий Кенгаш Раиси **Ш. М. Йўлдошев** олиб борди.

Олий Кенгаш Ўзбекистон Республикасида ёшларга доир давлат сиёсатининг асослари тўғрисидаги Қонунни яқинда муҳокамада киритилган тузатишлар ва қўшимчаларни ҳисобга олиб қабул қилди.

Деҳқончилик-саноат мажмуи ва сув хўжалиги комитети раиси вазифасини бажарувчи **Ш. Мирзаев** Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди.

Маъруза юзасидан музокараларда халқ депутатлари **И. Файзуллаев, К. А. Маҳмудов, А. Умурзоқов, С. Мадаминов (Муҳаммад Солиҳ), Х. У. Худойбердиева, С. Тошпўлатов, К. Тўйчиев, И. С. Санаев, М. О. Қобилов, У. Охунов, С. Турдиқулов** сўзга чиқдилар.

Олий Кенгаш бу Қонунни қабул қилди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 107-моддасига қўшимчалар киритиш учун овоз бердилар. Унга мувофиқ Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши Олий Кенгашда қонун чиқаришни таклиф этиш ҳуқуқига эга бўлади.

Шундан сўнг депутатлар Республика Давлат тамғаси тўғрисидаги қонун лойиҳасини муҳокама қилишга киришдилар. Бу масала юзасидан фан, халқ таълими ва маданий меросни муҳофаза қилиш комитетининг раиси **А. Асқаров** маъруза қилди.

Музокараларда халқ депутатлари **А. Умурзоқов, Х. Х. Нишонов, Н. К. Холбўтаев, И. Г. Бурхонов, З. Б. Ниёзова, А. И. Тошқулов, Х. Абдужабборов, Т. Отабоев, У. М. Аҳмаджонов, Ф. Н. Мирзаева, Р. Раҳмонов** сўзга чиқдилар.

Депутатлар атрофлича муҳокамадан сўнг Давлат тамғаси эскизи устидаги ишларни давом эттиришга, унинг нусхаларини матбуотда эълон қилишга ва жамоатчилик фикрини ҳисобга олиб навбатдаги сессия тасдиғига киритишга қарор қилдилар.

Республиканинг баъзи қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритилди.

Иқтисодий ислоҳот, бюджет сиёсати ва маҳаллий ўзини ўзи бошқарув комитети раисининг ўринбосари **И. Х. Салимов** Ўзбекистон Республикасида аҳолини иш билан банд қилиш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди.

Музокараларда халқ депутатлари **М. И. Аҳмедов, Ч. Бернаев, Т. Бобоноров, А. А. Қаландаров, З. С. Мусаев, З. З. Нуриддинов, Х. Э. Бердиев** сўзга чиқдилар.

Қонун дастлабки муҳокамада қабул қилинди. Уни узил-кесил ишлаб чиқиш ва навбатдаги сессияда муҳокама қилиш учун комитетларга юборишга қарор қилинди.

Депутатлар ҳакамлар суди ва хўжалик низоларини ҳал этиш тартиби тўғрисидаги Қонун лойиҳасини муҳокама қилдилар. Олий ҳакамлик судининг раиси **Р. А. Хачатуров** маъруза қилди.

Қонун лойиҳасининг муҳокамасида халқ депутатлари **З. Тожибоев, Х. А. Пирнапасов, К. А. Маҳмудов, И. Йўлдошев, И. Файзуллаев, В. Содиқов, Х. Ш. Шарофиддинов, А. Исаев** қатнашдилар.

Олий Кенгаш Қонунни қабул қилди

Сессия ишида Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов иштирок этмоқда.

Олий Кенгаш сессияси ўз ишини давом эттиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг VIII сессиясида

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВ НУТҚИ

Ҳурматли депутат ўртоқлар!

Ўзларингизга маълумки, мамлакатдаги вазият тобора чигаллашмоқда ва у қандай оқибатларга олиб келишини олдиндан билиш қийин бўлмоқда.

Озиқ-овқат, саноат моллари билан, нормал турмуш учун барча зарур нарсаларни таъминлашнинг қатъий кафолати йўқлиги одамларни безовта қилмоқда.

Бошқарув воситалари қўлдан чиқарилганлиги, қаттиқ интизом ва тартибнинг йўқлиги, хўжалик алоқаларининг узилганлиги, корхоналар, ташкилотлар ва минтақалар ўртасида мажбуриятларни бажаришдаги тартибсизликлар Ўзбекистон аҳолисини ташвишга солмасдан қола олмайди.

Шу муносабат билан иқтисодий ҳамжамият тўғрисидаги Шартномани тузиш зарурлигини исботлаш учун қўшимча далил ва асослар келтиришнинг зарурати йўқ. Бу Шартнома шу йил 18 октябрь куни Кремлда имзоланган эди.

Биз мана шу муҳим ҳужжатни имзолашга қарор қилганимизда ғоят оғир иқтисодий тангликни фақат иқтисодий ҳамдўстлик шароитидагина бартараф этиш мумкин деган фикрга асосландик. Ҳозирги шароитда тангликдан ҳеч ким яккаёлғиз қутила олмайди ва иқтисодиётнинг тузукроқ ишлашини таъминлай олмайди.

Халқ хўжалигининг нормал, иқтисодий мустақил тузилмасини вужудга келтириш, айниқса озиқ-овқат ва аҳолига керакли моллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун бизга камида 2—3 йил зарур. Мазкур Шартнома айни шу муддатга мўлжалланган.

Шундай қилиб иқтисодий Шартнома вужудга келган воқеликни акс эттиради. Мана шу янги ҳамжамиятга кирувчи давлатлар ўзларининг иқтисодий мустақиллигини биргаликда барпо этадилар. Шартноманинг ҳамма моддалари худди шу мақсадга қаратилган.

Иқтисодий ҳамжамият тўғрисидаги Шартноманинг ғоят муҳим ҳусусиятини алоҳида кўрсатиб ўтмоқчиман.

Унинг моҳияти мана шундан иборат: Шартнома ягона иқтисодий маконни вужудга келтиришнинг умумий шарт-шароитларини белгилайди ва Шартномада қатнашувчи мамлакатларнинг ўзаро алоқалари асосий қоидаларини қамраб олади. Энг муҳими шуки, Шартнома мустақил давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда сийқаси чиққан эскича сиёсий андозалардан ҳам, иқтисодий андозалардан ҳам воз кечади.

Республикаларнинг ҳақиқий мустақиллигини ва улар халқларининг миллий-тарихий анъаналари ҳамда хусусиятларини ҳисобга олмайдиган эскича ёндошувларни қайтадан тиклаш муваффақиятсизликка олиб келиши муқаррар эканлиги эндиликда ҳаммага равшан. Шунинг учун ҳам иқтисодий ҳамжамиятда қатнашувчи барча давлатларнинг ягона иқтисодий макондан ва фойдали иқтисодий алоқалардан ўзаро манфаат кўришга интилиши табиийдир.

Ўзаро манфаатли хўжалик алоқалари асосида ягона бозорни шакллантириш — узоқ давом этадиган мураккаб жараён. Ҳали тер тўкиб ишлаш керак бўлади. Зотан, ҳар бир республика ягона бозорни вужудга келтиришдан чинакам манфаатдор бўлиши ва бу ишга салмоқли ҳисса қўшиши керак.

Умумий бозорни шакллантириш билан айни бир вақтда молларнинг ҳаракати йўлига тўсиқлар қўйиш мумкин эмаслиги Шартномада таъкидлаб ўтилган. Шу сабабли республикаларо битимларнинг бажарилмаслиги учун жуда қаттиқ жавобгарлик талаб қилиниши керак, акс ҳолда биз тартибсизликни тугата олмаймиз, Шартнома эса ўз моҳиятини йўқотади.

Агар бу иш амалга ошмаса, биз шунга мувофиқ жавоб чораларини кўрамиз. Барча маърифатли мамлакатларда шундай тартиб-қоида бор. Халқимиз айтганидек, ҳисобли дўст ажралмас.

Ягона иқтисодий маконни вужудга келтириш — тўғри йўлдир. Аммо қиш яқинлашиб келаётган, бизга озиқ-овқат ва бошқа молларни етказиб бериш бардод бўлаётган ҳозирги вақтда биз ўз ички бозоримизни ҳимоя қилишимиз керак. Шу мақсадда энг муҳим турдаги маҳсулотларни четга олиб кетиш меъёрини белгилаб қўйишни кўзда тутаяпмиз.

Биз бу қоиданинг Шартномага киритилишига эришдик, чунки бу қоида бизга лоақал вақтинча бўлса ҳам четдан пул ёпирилиб келишини тўхтатиб қўйиш имконини беради.

Биз узоқ йўл босиб, катта-катта тўсиқлардан ўтиб, шу Шартноманинг имзоланишига эришдик. Жумладан, Ўзбекистон иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражаларидаги катта тафовутларни ҳисобга олиш зарурлиги тўғрисидаги жуда муҳим таклифни қаттиқ туриб ҳимоя қилди.

Натижада Шартномада маҳаллий тараққиёт ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамғармасини вужудга келтириш кўзда тутилган.

Иқтисодий Шартномадан Ўзбекистон кўрадиган манфаатларни узоқ таърифлаб ўтирмасдан, баъзи бир муҳим масалаларга тўхталиб ўтсам.

Иқтисодий ҳамжамиятнинг бюджети доирасида махсус жамғармалар билан бир қаторда табиий офатлар ва фалокатларнинг оқибатларини тугатишга мўлжалланган фавқулодда вазиятлар жамғармаси ташкил этилади. Бу ҳам биз учун мазкур ҳужжатда ифодаланган яна бир муҳим жиҳатдир.

Аниқ қилиб гапирадиган бўлсак, Ўзбекистон учун бунинг маъноси шуки, иқтисодий ҳамжамият тўғрисидаги Шартнома аҳдлашувчи барча давлатларнинг «Орол» дастурини амалга оширишда иштирок этишини кўзда тутади. Шу тариқа бу дастур умумиттифоқ дастури бўлиб қолади.

Ўйлайманки, бозор муносабатларининг кенгайиши одатдаги қатъий нарх-наво ялпи системасини йўққа чиқаришини исботлаш зарурати бўлмаса керак. Шу билан бирга ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли бўлган энг муҳим турдаги маҳсулотлар рўйхати бўйича барқарор нархлар сақланиб қолади. Бошқа нархлар асосан талаб ва таклиф деган объектив қонун асосида шаклланади. Тузилган Шартнома эса мана шу ривожланаётган жараёнда барқарорликнинг муайян кафолати бўлиб қолади.

Охирги пайтда ишлаб чиқаришда ва савдода эркин нарх жорий этиш тўғрисида кўп гаплар бўлаяпти.

Шартнома эркин нарх белгилашга, биргаликда келишилган нархларга ўтиш сиёсати иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни тартибга солишга замин тайёрлайди.

Агар шу Шартнома бўлмаганида, иқтисодий ишларимиз қай аҳволга тушишини тасаввур қилиш қийин эмас: ўз маҳсулотининг нархини ҳар ким ўзича оширши, пулнинг ҳаддан ташқари қадрсизланиши ва иқтисодиёт батамом барбод бўлиши мумкинлиги аниқ.

«Нарх-наво можароси»да ҳеч ким ғолиб чиқмайди. Энг аввало аҳолининг кенг табақалари бунинг азобини тортган бўлур эдилар.

Хўжалик ялпи барбод бўлиши, пул системаси бутунлай издан чиқиб, ишлаб чиқариш муқаррар равишда тўхтаб қолиши хавфи юзага келмоқда. Мана шундай шароитда иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлар пул ва кредит сиёсати соҳасидаги ўз ҳаракатларини келишиб олиш зарур деган хулосага келдилар. Бу масалани тезлиқ билан ечиш зарур.

Агар биз пулни мустаҳкамлаш ва унинг қадрини сақлаб қолиш ҳақида келишиб ололмасак, у ҳолда биз нарх-навонинг янада ҳаддан ташқари кўтарилиб кетишидан, вагон-вагон пулларнинг бозорга чиқарилишидан қутила олмаймиз.

Нарх-навонинг ўсишини тўхтатиш ва сўмнинг қадрини мустаҳкамлаш учун самарали пул ва кредит сиёсати ўтказилиши лозим. Шу сабабли Шартномада захира тизими қоидалари асосида банк уюшмасини вужудга келтириш кўзда тутилган.

Банк уюшмаси таркибига иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатларнинг марказий (миллий давлат) банклари ҳамда уларга хизмат қилиш учун тузиладиган давлатлараро пул чиқариш банки киради. Бунда биз банк уюшмасига топширадиган ваколатлар Ўзбекистоннинг манфаатларини асло чекламайди.

Иқтисодиётни молиявий жиҳатдан соғломлаштириш, мақбул бюджет-солиқ сиёсатини амалга ошириш соҳасида мувофиқлаштирилган чора-тадбирларни ўтказиш ҳам муҳимдир. Иттифоқ бюджетига фоиз ҳисобида ажратмалар беришга аввал қўлланиб келинган ёндошувлар самарасиз бўлиб чиққанлиги ва кўпгина республикалар ўзларининг тўлов мажбуриятларини бажармаганликлари маълум.

Бу масалада ҳаддан ташқари мураккаб молиявий вазиятларни рўкач қилиб кўрсатавериш мумкин, албатта. Бироқ бундай мураккабликлар ҳаммада ҳам бор. Иқтисодий ҳамжамиятнинг бюджет-солиқ сиёсатини белгилаш жараёнида ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатларнинг маҳаллий тафовутлари, шароитлари ва хусусиятлари ҳар томонлама эътиборга олиниши кераклигини яна бир марта таъкидлаб ўтмоқчиман.

Хусусан бозор муносабатларига ўтиш шароитида Ўзбекистон ҳозирнинг ўзидаёқ меҳнат бозорини шакллантириш ва аҳолининг зарур ижтимоий кафолатларини таъминлаш каби жуда ўткир муаммога ҳақиқатан ҳам дуч келди.

Табиийки, бундай муаммоларни аввало давлатларнинг ўзлари ўз нуфус (демография), ижтимоий-иқтисодий ва миллий-тарихий шароитлари ҳамда хусусиятларини назарда тутиб, ҳал қилишлари керак.

Шу билан бирга шартномада иқтисодий ҳамжамиятга кирувчи давлатларнинг фуқароларини ижтимоий суғурта қилиш ва нафақа билан таъминлаш соҳасидаги ўзаро мажбуриятлар зарурлиги айтиб ўтилган.

Шартномада фуқароларни ишга қабул қилишда, меҳнатига ҳақ тўлашда, ижтимоий кафолатлар беришда уларнинг миллатига ва бошқа хусусиятига қараб камситишга йўл қўйилмаслик кўзда тутилган.

Бугунги кунда янги мустақил давлатларнинг **ташқи иқтисодий сиёсатини қарор топтиришда** кўпгина муаммолар пайдо бўлмоқда. Ҳозирги вақтда, мустақиллик шароитида ҳар бир республика халқаро иқтисодий муносабатларнинг мустақил объекти бўлиб қолмоқда ва ўз валюта сиёсатини ўзи белгиламоқда.

Аммо биз марказнинг шу масалалар юзасидан илгари республикалар билан келишмай қабул қилган фармонлари ва қарорлари оқибатларини ҳали ҳам сезиб турибмиз. Молларни четга чиқариш ва четдан мол олиш учун кўп миқдорда тўланадиган солиқлар ва бошқа чеклашлар бизнинг қўл-оёғимизни боғлаб турибди. Ўз халқимизнинг, ўз мустақил давлатимизнинг манфаатларидан бошқа манфаатларга бизни қарам қилиб қўйишларига энди йўл қўйиб бўлмайди.

Шу муносабат билан таъкидлаб ўтмоқчиманки, тузилган Шартномада моллари четга чиқариш ва четдан мол олиш учун божлар, солиқлар белгилаш ва уларни тегишли бюджетларга ундириб олиш тартиби билан боғлиқ бўлган ҳамма масалалар иқтисодий ҳамжамиятга аъзо давлатлар ўртасидаги махсус битимлар билан тартибга солиб турилиши керак.

Биз ҳозирдаёқ республикада божхона комитетини ташкил қилганмиз. Бу комитет республика манфаатларини ҳимоя қилиши ҳамда маҳсулотларнинг республика ташқарисига назоратсиз олиб чиқиб кетилишига йўл қўймаслиги ва божхона қоидаларига қатъий риоя этилишини назорат қилиб туриши лозим. Энг **муҳими, бундан буён божхоналардан тушган ҳамма маблағ Ўзбекистон бюджетига ўтказилади.**

Шартномада кўзда тутилишича, унинг қатнашчилари халқаро валюта фонди, халқаро тикланиш ва ривожланиш банки, тарифлар ва савдо-сотиқ бош битими, бошқа халқаро ташкилотлар ишида қандай иштирок этишини, ҳамжамиятнинг бошқа аъзолари билан биргаликда умумий аъзо бўлиш орқали ёки мустақил равишда қатнашишларини ўзлари танлаб оладилар.

Шу тариқа янги иқтисодий ҳамжамият Ўзбекистоннинг бошқа республикалар билан мустаҳкам, чинакам тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлигига замин яратади. Бундан мақсад иқтисодиётни танглик ҳолатидан қутқариш ва барбод бўлаётган хўжалик алоқаларини қайта тиклашдир.

Шу билан бирга иқтисодий ҳамжамият тўғрисидаги Шартноманинг тузилиши дўст мустақил давлатлар ҳар томонлама ҳамкорлигининг бошланиши эканини таъкидлаш лозим. Бу Шартнома умумий иқтисодий маконда яқин йиллардаги ўзаро алоқаларнинг фақат асосий қоидаларини белгилаб беради.

Иқтисодий ҳамжамиятдаги ҳамкорликнинг энг муҳим қоидаларини амалга оширишнинг аниқ воситасига келганда, улар махсус битимларда ишлаб чиқилган ва мужассамлаштирилган. Шу битимлар устида олиб борилаётган иш яқинда тугайди.

Шу йил 4 ноябрь куни бу битимлар Давлат Кенгашида батафсил муҳокама қилингани сизларга маълум. Мана шу битимларнинг кўпгина лойиҳаларида марказчилик интилишларини яна тиқиштиришга уринишлар борлигини рўй-рост айтиш керак. Биз бунга қатъиян қарши чиқдик. Бизнинг таклифларимизни бошқа республикалар ҳам қўллаб-қувватладилар ва улар эътиборга олинди.

Юқоридаги гаплардан хулоса қилиб, вақт ғанимат эканини яна бир бор катта масъулият билан таъкидлаб ўтмоқчиман. Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда йўл қўйилган сусткашлик ҳозирнинг ўзидаёқ бизга ўнглаб бўлмайдиган кўпгина талофот етказди. Бундан буён сусткашликка асло йўл қўйиб бўлмайди. Буни халқимиз кечирмайди, айниқса биз аъзо бўлиб кирмоқчи бўлаётган халқаро ҳамжамият буни англай олмайди.

Вазиятнинг ўзи, республиканинг иқтисодий ва ижтимоий аҳволи зиммамизга шундай вазифани юкламоқда. Бу вазифа бўлажак 1992 йилда барча зарур нарсаларни олдиндан кўзда тутиш ва аҳолини ҳам, Ўзбекистон халқ хўжалигини ҳам шу нарсалар билан таъминлаш эҳтиёжидан келиб чиқади.

Ҳурматли депутатлар!

Энди сиёсий Шартнома тўғрисида фикрлашиб олайлик. Август ойида бўлиб ўтган фитнадан кейин мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий вазият тубдан ўзгарганлиги, шундан кейин Ўзбекистон ва бошқа республикалар ўзларининг давлат мустақиллигини эълон қилганлиги давлатлараро муносабатларни кескин ўзгартириб юборди.

Ново-Огаревода тузилган Иттифоқ Шартномаси лойиҳасини сизлар билан муҳокама қилиб, маъқуллаган эдик. Энди эса бу лойиҳа бизнинг назаримизда жиддий ва тубдан қайта кўриб чиқилиши зарур.

Ҳозирги вақтда август фитнасидан сўнг мамлакатда вужудга келган вазиятни ҳисобга олиб, Иттифоқ Шартномасининг янги лойиҳаси тайёрланди ва яқинда Давлат Кенгашида умумий тарзда кўрилди.

Охирги сиёсий Шартнома ҳусусида гап кетар экан, шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, унда олдинги лойиҳаларга нисбатан жиддий ўзгартишлар киритилган, кейинги воқеалардан, биринчи галда, ижтимоий-сиёсий ҳамда миллатлараро можароларни ҳал этишда орттирилган тажрибалардан жиддий хулосалар чиқарилган.

Лойиҳада иттифоқ қатнашчиларининг ваколатлари аниқроқ белгилаб берилган, янги Иттифоққа ССГ (Союз Суверенных Государств) деб ном бериш, яъни эски Иттифоқни суверен мустақил давлатлар конфедерациясига айлантириш тўғрисида таклифлар киритилган. Шартномада қатнашувчи давлатлар бирга-ликда бошқарадиган соҳалар рўйхати кенгайтирилган.

Лойиҳани ишлаб чиқишдаги сўзсиз ижобий ўзгаришларни қайд этиш билан бирга, ҳужжатни бундай таҳрирда ҳам бугунги кунда имзолай олмаслигимизни айтишга тўғри келади. Нима учун? Авваламбор шунинг учунки, унда Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги барибир тўла-тўкис эътиборга олинмаган.

Лойиҳани тайёрловчилар империячилик тафаккури сарқитларидан ва бирон соҳада бўлса ҳам эски буйруқбозлик марказини тиклаш истагидан бутунлай халос бўла олмаганлар. Баъзи бир принципиал муҳим масалаларга тўхтаб ўтаман.

«Асосий қоидалар» бўлимида Шартномада қатнашувчи давлатларнинг янги мақоми аниқ белгилаб қўйилиши керак эди. Аммо бу бўлимда Иттифоқни ташкил этувчи мустақил давлатлар ўз ҳудудларида тўла-тўкис сиёсий ҳокимиятга эга бўлишлари ҳақидаги бизнинг таклифларимиз ҳисобга ҳозирча олинмаган.

Шартнома лойиҳасида кўрсатилганидек, иттифоқдош давлатлар халқаро жамиятнинг тўла ҳуқуқли аъзолари бўлибгина қолмай, айни вақтда халқаро ҳуқуқнинг субъектлари ҳам эканлигини назарда тутаяпмиз.

Шартноманинг барча қатнашчилари Шартнома имзоланган пайтда улар ўртасида мавжуд бўлган давлат чегараларини сўзсиз тан олишлари кераклиги каби жуда муҳим қоида ҳам лойиҳада ўз аксини топмаган.

Ўрта Осиё шароитида биз бу масалани эътиборсиз қолдиришимиз мумкинми? Асло мумкин эмас.

Бу масалада заррача хатога йўл қўйиш Қорабоғ фожиасини юз карра катта миқёсда такрорлаши мумкин. Биз Ўш ва Фарғона фожиали воқеаларини сира ҳам унута олмаймиз. Шу сабабли иттифоқни ташкил этувчи давлатлар ўртасидаги чегараларни ўзгартириш фақат улар ўртасидаги битимга мувофиқ амалга оширилиши мумкин, деган сўзларни Шартномага қатъий киритиб ёзиб қўйиш зарур.

(Давоми 2-бетда).

ИСЛОМ КАРИМОВ ПРЕЗИДЕНТЛИККА БИРИНЧИ НОМЗОД

Тошкент районида ўтказилган митингдан репортаж

КЕЛЕС, 20 ноябрь куни бу ерда Ўзбекистон Республикаси президентлигига номзод кўрсатилишига бағишланган митинг бўлиб ўтди. Район ижроия қўмитаси биносининг мажлислар зали одамлар билан тўлди.

Ҳозирги кундаги жиддий ижтимоий-иқтисодий қийинчиликларга қарамай, бу ерга одамлар чуқур ички мамнуният билан келишди. Бунинг боиси бор, албатта. Ахир, йиллар давомида орзу қилинган ҳақиқий истиқлол келди. Одамлар бу эркнинг, бу мустақилликнинг қадр-қимматини жуда яхши биладилар ва бу бойликни яна ногоҳон қўлдан бериб қўймаслик учун уни ҳушёрлик билан ҳимоя қилиб, ҳалол меҳнатлари билан мустаҳкамлайдилар.

Митингга тўпланган юзлаб ишчилар, деҳқон ва зиёлилар чеҳрасидан шу маънони уқиб олиш қийин эмасди.

Митингни халқ депутатлари Тошкент район Кенгашининг раиси Р. Р. Акбаров очди.

— Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг кечагина бўлиб ўтган пленуми, — деди нотиқ, — президентликка сайлаш учун Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Раиси Ислом Каримов номзодини кўрсатиш тўғрисида бир овоздан қарор қабул қилди.

Жумҳурият президентлигига Ислом Каримов номзоди кўрсатилиши бежиз эмас. Чунки Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси жумҳуриятимизда икки йил мобайнида юз берган ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни қалбан ҳис қилиб турибди. Иттифоқда содир бўлаётган оғир иқтисодий таназзул ва миллатлараро адоват кучайган бир даврда Ўзбекистон деб аталувчи Ватан фарзандлари ўз миллатлари ва халқларини иқтисодиёт ботқоғидан олиб чиқиш учун катта шижоат ва матонат кўрсатмоқдалар.

Митингда сўзга чиққанлар Ўзбекистон Республикаси халқларининг тақдири ва уларнинг тинч, фаровон ҳаёт кечиришлари учун бутун куч-ғайрати ва билимини сарфлаётган раҳбарлардан бири Ислом Каримов эканлиги ҳақида гапирдилар. Президент томонидан кўрилаётган барча тадбирлар халқнинг турмуш даражасини оширишга қаратилган.

— Жумҳуриятимизда юз бераётган ижобий ўзгаришлар Ислом Каримов номи билан боғлиқ эканлигини эътироф этмоқ даркор, — дейди Ильич номли жамоа хўжалигининг раиси Т. Алимов. — Ўзбекистон халқлари энди чинакам эркин нафас ола бошлади. Тўғри, ҳали рўзғоримиз ончалик бут эмас, бажараётган ишларимизда камчиликлар бор. Лекин барча соҳада ошкора ва ҳалол ишлар қилинмоқда.

Бу ерга тўпланганлар Ислом Каримов номзодини президентликка сайлаш учун кўрсатилишини қўллаб-қувватладилар.

Митинг қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига мурожаатнома қабул қилдилар.

П. НИШОНОВ,
ЎзТАГ мухбири.

Суратда: митинг пайти.

Р. НУРИДДИНОВ олган сурат (ЎзТАГ).

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг VIII сессиясида

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВ НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳаётнинг ўзи буни ёзиб қўйиш зарурлигини тасдиқлаб турибди. Чегараларни ўзгартириш эҳтимоли борлиги ҳақида РСФСР Президенти матбуот шўъбасининг яқинда берган баёноти оз бўлмаса портлашга олиб келай деганини эсга олинглар. Масъулиятсиз сиёсат йўлига мустаҳкам тўсиқ қўя оладиган аниқ қоидани Шартномага киритиш зарур. Акс ҳолда жамият чегара можаролари ва бир-бирини қиришдан иборат урушлар гирдобига ташланиши мумкин.

Шартнома қатнашчилари иттифоқдаги ўз муносабатларини тенглик ва бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик асосида қурадилар, деган қоида янги Иттифоқни ташкил этишнинг асоси, Шартноманинг энг муҳим шарти бўлиши керак. Бу қоида барча тенг ҳуқуқли халқаро шартномаларига қўйиладиган энг оддий талаб бўлишига қарамай, у ҳам лойиҳада акс эттирилмаган.

Шу қоиданинг ёзиб қўйилмаслиги ўзаро шубҳа-гумон муҳитини қайтадан тиклашга асос беради, яъни «улуғ оға» ва «кичик ини» деган тушунчаларни пайдо қилади. Ҳуллас, Иттифоқ ғоясини обрўсизлантириб қўйиши мумкин бўлган империячилик онги сарқити яна қалқиб юзага чиқиб қолади.

Юқорида айтиб ўтилган фикр-мулоҳазалардан шу нарса кўринадики, Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги ҳеч бир масалада камситилмайдиган бўлиши учун Иттифоқ Шартномасини қайтадан ишлаб чиқиш зарур.

Сиёсий Шартномани имзолаш чоғида бизнинг энг асосий эътирозимиз - шундан иборатки, аввало иқтисодий ҳамжамият тўғрисидаги Шартномани амалга ошириш борасидаги жами ишларни ниҳоясига етказиш лозим.

Бизга ва ҳаммамизга шу нарса равшан бўлиши керакки, сиёсий битимлар ва улар ҳақидаги гап-сўзлар халқнинг жонига тегди. Яна бир марта такрорлаб айтаманки, халққа аҳоли барча табақалари манфаатларини ижтимоий муҳофаза қилишнинг мустаҳкам кафолатлари зарур.

Пулнинг тез қадрсизланиб бораётганлигини тўхтатиб қолиш, қишдан омон-эсон чиқиш учун у-бу нарсаларни қаердан ғамлаб олиш, ўзини ва фарзандларини энг зарур моллар билан қандай таъминлаш масаласи одамларни ташвишга солмоқда. Мана шу барча энг долзарб саволларга аниқ ва равшан жавоб топиш керак.

Шу сабабли ҳаётий муҳим бўлган ана шу масалаларни ҳал этишга доир амалий чора-тадбирлар рўёбга чиқарилгандан кейингина ушбу Шартномани имзолаш тўғрисида гапирса арзийди ва ўйлайманки, Сизлар шу фикрни қўллаб-қувватлайсиз.

Ҳурматли депутат ўртоқлар!

Ўзбекистоннинг Озарбайжон Республикаси, Украина Республикаси ва Беларусь Республикаси билан давлатлараро муносабатларининг асослари тўғрисидаги Шартномаларни тасдиқлашга доир масала бугун Сизларнинг муҳокамангизга тақдим этилмоқда. Шу билан бирга РСФСР делегацияси билан олиб борилган музокаралар ва имзоланган ҳужжатлар тўғрисида келишиб олишимиз зарур.

Мазкур ҳужжатларда нималар ўз моҳиятига кўра энг муҳим?

Биринчидан, бу ҳужжатлар республика раҳбариятининг «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги қонунни бутун чоралар билан мустаҳкамлашга, уни аниқ мазмун билан тўлдиришга қаратилган жиддий ва изчил сиёсатининг мантиқий давоми бўлди. Бугунги кунда суверен Ўзбекистон ўзининг давлатлараро муносабатларини кимлар билан ва қай тарзда йўлга қўйишни мустақил белгилайди.

Иккинчидан, Ўзбекистон ўзининг миллий давлатчилигини ривожлантира бориб, маҳдудликка ва ташқи дунёдан яккаланиб қолишга интилмаётганини яна бир бор намоён этди. Аксинча, Ўзбекистон эркинликни қўлга киритиб, бошқа давлатлар ва халқлар билан иқтисодий алоқаларни ҳамда ўзининг давлатлараро муносабатларини мустаҳкамламоқда.

Учинчидан, имзоланган ҳужжатлар хўжаликлараро алоқаларнинг барбод бўлиш жараёни тобора тезлашаётган шароитда бевосита икки томонлама шартномавий муносабатлар ўрнатиш йўли билан бу жараённи тўхтатишимизга имкон беради.

Бизнингча, бу республикадаги иқтисодий вазиятга ижобий таъсир кўрсатиши, бозор иқтисодиётига ўтишнинг мана шу мураккаб даврида унинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муайян барқарорликни таъминлаши керак.

Ниҳоят, **тўртинчидан**, ушбу ҳужжатларда қуйидагилар яна бир бор тасдиқланган: ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликнинг ҳар қандай шаклларини ривожлантира бориб, биз тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро фойдали муносабатларнинг шартномавий, ҳуқуқий қоидаларига оғишмай амал қиламиз. Ўзбекистон ҳеч кимга қарам бўлмайди ва бошқаларни ҳам ўзига қарам қилмайди. У тенглар орасида тенг бўлишни хоҳлайди ва шундай бўлишига ишонади.

Сизнинг муҳокамангизга тақдим этилган ҳужжатларнинг аҳамиятини мана шу умумий, муҳим жиҳатлар белгилаб беради. Энди уларнинг ҳар бири тўғрисида алоҳида бирмунча батафсилроқ гапирмоқчиман.

Биз Озарбайжон билан ғоят хилма-хил соҳаларда мустаҳкам алоқаларни илгаридан ва кенг миқёсда давом эттираяпмиз. Шуни ишонч билан айтишим мумкинки, тузилган Шартнома ўзбек ва озарбайжон халқлари ўртасидаги маданий-тарихий яқинликни ҳисобга олиб, барча соҳаларда ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш учун зарур шарт-шароит яратиш имконини беради. Бу сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликкина эмас. Шартномада халқларимизнинг маънавий турмушида дўстона алоқаларни ривожлантириш кўзда тутилади. Ишончим комилки, давлат идоралари, жамоат ташкилотлари, миллий-маданий ва ижодкор жамоалар ўртасидаги ҳар томонлама алоқалар янада кенгаяди.

Шуларнинг ҳаммаси Ўзбекистоннинг Озарбайжон Республикаси билан тузган Шартномаси давлатларимиз манфаатларига мувофиқ бўлиб, ҳар иккала жумҳурият халқларининг манфаатларига асосланади дейишимиз учун ҳуқуқ беради.

Ўзбекистон Республикаси билан Украина ўртасида имзоланган давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисидаги Шартнома муҳим деб ўйлайман.

Бу республика — бизнинг иқтисодий соҳадаги қадрдон ва ишончли шеригимиздир. Ўзбекистоннинг мол айирбошлашида маҳсулотнинг 10 фоизидан кўпроғи унинг улушига тўғри келади. Биз Украинадан ҳаётий муҳим маҳсулот — салкам 260 миллион сўмлик металл, қариб 1 миллиард сўмлик деҳқончилик-саноат мажмуи маҳсулотлари, шунингдек 800 миллион сўмликдан ортиқ турли халқ истеъмол моллари харид қилаяпмиз.

Украина машинасозлик маҳсулотларининг бешдан бир қисмини ва деярли шунча миқдорда қанд-шакар, мой, сут ва гўшт маҳсулотлари, болалар таоми, озиқ-овқатнинг бошқа кўпгина турларини етказиб бермоқда. Бу жумҳурият бизни энг кўп миқдорда электр моторлари, ҳисоблаш техникаси, радио ва телеаппаратлар, бошқа мураккаб рўзғор техникаси билан таъминлаб турибди.

Шубҳасиз, Ўзбекистон ҳам ўз навбатида Украинанинг савдо-сотиқ соҳасидаги энг катта шерикларидандир. Рангли металлургиямиз маҳсулотининг (алюминий, руҳ, кадмий, қаттиқ қотишмалар) учдан бир қисмидан кўпроғи Украина корхоналарига жўнатилмоқда. Жумҳуриятимиз хилма-хил хом ашё ва енгил саноат маҳсулотини етказиб бераётган асосий шерикдир. Булар пахта толаси, ип ғазлама ва шойи, калава, жун, нотўқима материаллардир.

Республика халқ хўжалиги тузилмасидаги маълум нуқсонлар туфайли биз ўзимиз етказиб бераётганимизга қараганда Украинадан 1,3 миллиард сўмлик кўп маҳсулот харид қилишга мажбур бўлаётганимизни, яъни Украина билан савдо-сотиқ муносабатларимизда салбий балансга эга эканимизни алоҳида таъкидламоқчиман. Шу нуқтаи назардан қараганда, Украина билан тузилган Шартнома биз учун муҳим стратегик аҳамиятга эгадир.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси билан Украина ўртасида имзоланган иқтисодий битимда маданият ва халқ таълими соҳасида, малакали ишчилар, мутахассислар ҳамда илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишида, бирғаликда илмий тадқиқотлар ўтказиш ва қўшма корхоналар ташкил этишда ҳамкорликни кенг кўламда ривожлантириш кўзда тутилади.

Ўйлайманки, буларнинг ҳаммаси Украина билан тузилган Шартнома биз учун фавқулодда аҳамиятга эга ва Олий Кенгаш уни тасдиқлашга қаршилик билдирмаслигига ишонаман.

Сизларга маълумки, шу йилнинг 26 октябрь куни Москвада **Ўзбекистон делегациясининг Россия Федерацияси раҳбарлари билан расмий музокаралари** бўлиб ўтди. Музокаралар якунлари юзасидан ҳар иккала республика Президентлари келишилган ахборотга ўз имзоларини қўйдилар.

Ахборотда эришилган аҳдлашувлар ўз ифодасини топди. Булар Ўзбекистон билан Россия суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилиш асосида улар ўртасида ҳамжиҳатлик ўрнатиш тўғрисида; халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя этиш ҳақида; ҳар иккала республикада истиқомат қилувчи барча фуқаролар учун фуқаролик, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар ҳамда эркинликларни кафолатлаш тўғрисида; сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий фаолиятнинг барча соҳаларида тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш ҳақидадир.

Музокаралар чоғида Ўзбекистон Республикаси томонидан ҳам, шунингдек Россия Федерацияси томонидан ҳам давлатлараро муносабатларнинг асослари ҳақида икки томонлама Шартнома тузиш зарурлиги таъкидланди. Бу Шартнома тафсилотлари тўғрисидаги масала ишлаб чиқилмоқда.

Россия билан муносабатларимизнинг муҳимлиги тўғрисида кўп гапириб ўтириш зарур бўлмаса керак, деб ўйлайман. Муштарак тарихий тақдир, савдо-иқтисодий соҳадаги фаол шерикчилик, фуқароларимизнинг анчагина қисмини Россия билан боғлаб турган қон-қардошлик ришталари муносабатларимизга асос қилиб олинган.

Шу нарса муҳимки, Москвада Россия раҳбарлари билан олиб борилган музокараларимиз чоғида иккала республикамиз ўртасида 1992 йилги савдо-иқтисодий ҳамкорлик қоидалари тўғрисида битим имзоланди.

Битимда қуйидагилар алоҳида таъкидланди: бир-бирига зиён етказадиган бирон-бир ҳатти-ҳаракатлардан иккала томон тийилиб туради, иккала республикада истеъмол қилиш ва қайта ишлаш учун бир-бирларига юборилган маҳсулот қайтадан экспорт қилинишига йўл қўйилмайди, нарх белгилаш соҳасида келишилган сиёсат ўтказиш ҳамда умумий манфаатларга дахлдор бўлган нархларни белгилаш ва тартибга солиш юзасидан бирғаликда қарорлар қабул қилиш кўзда тутилади. Мазкур ҳужжатда жумҳуриятимиз учун аҳамиятли бўлган бошқа масалалар ҳам тартибга солинган.

Биз учун ҳаётий зарур бўлган ёғоч материаллари каби маҳсулотга сизларнинг эътиборингизни қаратмоқчиман. Россиядан бизга 1,2 миллиард сўмликдан зиёд ёғоч-тахта келтирилади. Биласизларки, бу иқтисодиётимиз меъёрида ишлаши учун катта аҳамиятга эгадир. Шу сабабли Ўзбекистоннинг РСФСР ҳудудидаги ўрмон хўжаликларини узоқ муддат мобайнида ишлатиш масалаларини алоҳида битим ёрдамида тартибга солишга қарор қилинди.

Ўзбекистон билан Россия шу пайтгача қабул этилган битимларга тегишли иловалар асосида энг муҳим турдаги маҳсулот ва моллари етказиб беришни тартибга солиш воситасини бирғаликда ишлаб чиқдилар. Маҳсулотларни ўзаро етказиб бериш асосан 1990 йил даражасида сақлаб қолинади. Жумҳуриятимиз учун бу амалда қандай маънони билдиради? Бир неча рақамни келтираман.

Республикамизга ташиб келтириладиган жами маҳсулот ҳажмида Россия Федерациясининг улуши 45 фоиздан ошади, республикамиздан юбориладиган жами маҳсулотнинг ярмидан кўпроғи Россиянинг ҳиссасига тўғри келади. Бошқача қилиб айтганда, Ўзбекистон билан Россиянинг иқтисодиёти бир-бири билан бирлашиб кетган. Айни пайтда маълум сабабларга кўра маҳсулот келтириш билан юбориш ўртасидаги тафовут 2 милиард сўмликдан ортиқ эканини ҳам ҳисобга олиш керак, халқаро эркин нархларда эса бу салкам 1 миллиард долларни ташкил этади.

Ўзбекистон ижтимоий ишлаб чиқаришининг ёқилғи-энергетика, қора металлургия, ўрмон ва ёғочни қайта ишлаш саноати, машинасозлик каби тармоқлари бутунлай Россиядан келтириладиган хом ашёга қарамдир. Бунинг устига Россиядан келтириладиган маҳсулотнинг учдан бир қисми халқ истеъмол молларидир.

Республикамиздаги ижтимоий барқарорлик ва ҳар бир кишининг моддий фаровонлиги энг аввало бозорни истеъмол моллари билан тўлдиришга боғлиқ эканлиги ҳақида гапиришнинг ҳожати йўқдир.

Аммо бу гаплардан Ўзбекистон билан савдо қилиш Россия учун унчалик манфаатли эмас, деган маъно келиб чиқмайди. Россия Федерациясининг енгил саноати учун асосий хом ашё бўлган пахта толасининг аксариятини бизнинг республикамиз етказиб беради. Бундан ташқари Ўзбекистондан четга чиқариладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 90 фоизгача бўлган қисми россиялик истеъмолчиларга юборилади. Булар қовун-тарвуз, сабзавот, мева, узум, шунингдек мева-сабзавот консервалари ва бошқа нарсалар.

РСФСРга жўнатилаётган рангли металлургия ва химия саноати маҳсулотларида Ўзбекистоннинг салмоғи тобора ортиб бораётганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Демак, Россия — иқтисодий алоқалар соҳасида бизнинг асосий шеригимиздир. Шу сабабли ўзаро мол етказиб беришни меъёрий асосда сақлаб қолиш ҳозирги мураккаб пайтда иқтисодиётимизни барқарорлаштиришнинг мажбурий шартидир.

Сизларга яхши маълумки, эски марказ узоқ вақт давомида ўтказиб келган сиёсат иқтисодиётимизнинг ҳаддан ташқари катталашган ва издан чиққан тузилмасини шакллантирди. Нархнаво соҳасида жуда катта номутаносибликлар юзага келди. Бироқ бунда Россиянинг айби йўқдир, балки бу унинг ҳам, бизнинг ҳам кулфатимиз эканлиги аёндир. Ўзбекистон халқи ҳеч қачон марказни Россия билан боғлиқ ҳолда тушунмади ҳамда марказий ҳокимият идоралари калтабин сиёсат ўтказганликлари учун айбни унга юкламади.

Тузилган шартномаларнинг энг муҳим натижаларидан бири шуки, кимкимнинг ҳисобига яшаётгани тўғрисида узоқ вақт оғиздан тушмай келган гапларга барҳам берилди. Россия Президенти Б. Н. Ельцин матбуот конференциясида буни рўй-рост ва масъулият билан айтди. «Бугунги ҳужжатнинг имзоланиши, — деди у, — **ким-кимни боқаётгани ҳақидаги сафсаталарга чек қўяди. Бу — тенг ҳуқуқли Шартнома...** Ўйлайманки, Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги Шартнома тез самара беради...»

Ҳурматли депутатлар!

Ўзларингизга маълумки, 6 ноябрь куни Ўзбекистон билан Беларусь Республикаси ўртасида давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисидаги Шартнома имзоланган эди.

Мазкур Шартнома, айни бир вақтда имзоланган иқтисодий битим, юқорида айтиб ўтилган ҳужжатлар каби, тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик қоидаларига асосланган бўлиб, бизнинг тўғридан-тўғри, икки томонлама алоқаларимизни кенгайтириш ва чуқурлаштириш учун мустаҳкам пойдевор яратди.

Беларусь делегацияси билан музокаралар вақтида шу нарса қайд этиб ўтилдики, бизда икки томонлама муносабатларнинг барча жиҳатлари бўйича бирон-бир жиддий тафовутлар йўқ, шу муносабатларни ривожлантириш йўлида ғов бўла оладиган масалалар ҳам йўқ. Бу муносабатлар ниҳоятда муҳим эканлигига ҳеч кимда шубҳа бўлмаса керак, деб ўйлайман.

Тарихий тақдирларнинг муштараклиги ва чуқур иқтисодий бирлашиб кетиш ҳам мазкур муносабатларнинг аҳамиятини белгилаб беради.

Шуни айтиш кифояки, Ўзбекистон Республикаси Беларусдан халқ истеъмол молларидан салкам 500 миллион сўмлик олиб турибди. Истеъмол бозорида вазият кескин бўлиб турган ҳозирги кунда биз учун бу қандай аҳамиятга эга эканлигини тушунтиришнинг ҳожати йўқ.

Имзоланган ҳужжатларга мувофиқ экология масалалари Беларусь билан ҳамкорлигимизнинг муҳим жиҳати бўлиб қолиши керак. Чернобиль фалокатининг фожиали оқибатларини бошдан кечираётган беларуслар Орол экология фалокати нақадар кенг миқёсда эканлигини яхши тушунадилар.

Биз ушбу муаммоларни ҳал этишда фаол ҳамкорлик қилиш тўғрисида келишиб олдик ва буни Шартноманинг тегишли моддасида мустаҳкамлаб қўйдик.

Хулоса қилиб шуни таъкидламоқчиманки, имзоланган ҳужжатлар Беларусь билан Ўзбекистон ўртасидаги давлатлараро муносабатларда янги босқични бошлаб беради ва Ўзбекистон Республикасининг давлат манфаатларига тўла-тўкис мос келади.

Ҳурматли депутатлар!

Бугун биз Озарбайжон, Украина ва Беларусь билан тузилган Шартномаларни тасдиқлар эканмиз, бу билан Ўзбекистон халқининг сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги сари бошланган изчил ва қатъий йўлни мустаҳкамлаймиз, республиканинг давлат мустақиллиги тўғрисидаги ҳужжатни аниқ мазмун билан тўлдиришга, Ўзбекистон давлатининг мустақил ташқи сиёсатини шакллантиришга кўмаклашамиз.

Сизларга тақдим этилган давлатлараро Шартномаларни тасдиқлаш тўғрисидаги таклиф билан мурожаат қилар эканман, депутатлар Шартномаларни қўллаб-қувватлайдилар ва мана шу **ғоят муҳим давлат ҳужжатларининг бутун аҳамиятини англайдилар, ҳужжатларни тасдиқлаб, мустақил Ўзбекистон билан Россия, Озарбайжон, Украина ва Беларусь ўртасида дўстлик, иноқлик ва ҳамжиҳатлик ўрнатишга муносиб ҳисса қўшадилар, деб ишонаман.**

Азиз дўстлар, ўртоқлар!

Рухсатингиз билан маърузамнинг охирги қисмида бугун Ўзбекистонда мавжуд аҳвол ва кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида айтиб ўтсам.

Жумҳуриятимиз янги йўл бошида турибди. Бугунги давр — ўтган йўлга назар солиш, нимага улгурганимизу, нимага улгурмаганимизни таҳлил қилиш даври. Бу эса олдинга юриш учун кучқувват ато этади. Одил, ҳаққоний хулосалар чиқариш имконини беради.

Ўзбекистон Президенти фармонлари ижросига оид рақамлар, далиллар қўлингиздаги ихчамгина ахборотда жамланган.

Айтиш керак: бу фармонлар ва қарорлар кўпчилик фаолларнинг меҳнати натижасида пайдо бўлди. Уларда халқимизнинг хоҳиш-иродаси, талаб-эҳтиёжлари акс этади.

Бизда «аввало иқтисод, кейин сиёсат» деган тушунча бор. Лекин иқтисодни англаш, тўғри бошқариш учун нима керак? Сиёсат керак, ақл-заковат керак, маънавият керак. Шу сабабли ҳам биринчи **қадамни халқ қадриятларини тиклаш, одамлар тафаккуридаги қуллик кишанини йўқотиш, уларда ўзларига ишончни мустаҳкамлашдан бошладик.**

Ёдга олайлик: Наврўз байрами халқимизнинг шодҳуррамлигига айланди. Одамлар маънавий кишанлар сина бошлаганини ҳис қилдилар. Буни ҳеч ким инкор эта олмайди. **Мусулмон дунёсига йўл очилди. Рамазон ва қурбон ҳайитлари биринчи марта расман тан олинди. Бир пайтлар ўз халқи тақдирини ўйлагани учун қатағон бўлган улуғ зотлар номлари тикланди. Тарихимиз, маданиятимизга ўзбекона кўз билан қараш устивор бўлди.**

Энг салмоқли ва энг буюк воқеа, албатта, мустақиллик учун курашимиздир. Мен очиқ айтаман, бу масалани сизларнинг ҳукмингизга ҳавола этиш ҳақидаги фармонга имзо чекканимда бутун масъулият ва жавобгарликни ҳис этганман, бу нарсага жонимни тикканман. Бу улуғ мақсадга эришиш учун не-не машаққатли курашлардан, синовлардан ўтишни ҳам яхши тасаввур қилганман. Аммо яна бир марта такрорлаб айтаман — бу йўлдан қайтиш, чекиниш йўқ. Бу олий мақсад учун ҳаммамиз бир бўлиб, бир ёқадан бош чиқариб, ҳамжиҳатликда иш олиб борсак, албатта ўз ниятимизга эришамиз.

Кеча сессиядан олдин охирги вақтларда қабул қилинган фармонларни яна бир карра ўқиб чиқдим. Қандай хулоса, қандай таассурот? Бирортасида ғаразли мақсад йўқ. Ҳаммаси одамлар тақдири билан боғлиқ, юрт тақдири билан боғлиқ. Ўнлаб йиллар давомида орзу бўлиб туюлган нарсалар ҳақиқатга айланаётгани менда эртанги кунга умид, ишонч уйғотади.

Тўғри, йўлимизда ҳали кўп муаммолар, қусурлар, тўсиқлар бор. Уларни олиб ташлаш вақти-соати етган. Айниқса ошкоралик йўлидан қўрқмасдан, дадил қадам ташлашимиз керак. Мана, кўп партиялиликка йўл очилди. «Эрк», «Бирлик» расман тан олинди. Эртага уларнинг рўзномалари, ойномалари чиқади. Матбуот майдонида ҳам рақобат бошланади. Демак, ошкоралик учун ҳам имкон яратилди.

Ҳозир миллий ойнаижаҳонимиз ва миллий радиомизни яратиш ишлари ниҳоясига етиб қолди. Ойнаижаҳон одамларнинг дардташвишлари, муаммо-масалалари, қувончу ҳаяжонларини айтадиган эркин минбарга айланади, улар фикрлаш, баҳслашиш, маънавий бойлик олиш учун зарур манбага айланади.

Энди баъзи бир бевосита **одамларнинг шароитларини яхшилаш** юзасидан қабул қилинган фармонларга тўхталиб ўтсак.

Икки йил олдин ҳар мажлис «пахта қуллиги», «пахта яккаҳокимлиги» деган сўзлар билан бошланиб, шу гап билан тугарди.

Қани бугун ким бизга шу айбни қўя олади? Ҳеч ким. Чунки пахта яккаҳокимлиги тугатилди. Режа икки йил ичида 1 миллион 200 минг тоннага камайтирилди. Келаси йилга яна камайтириш тўғрисида ўйлаб кўраяпмиз.

Олимлар Ўзбекистонда экин майдонларининг 63 фоизига пахта экилса, ҳаммаси жойига тушади деб хулоса беришган. Гарчи пахта Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий қуроли бўлишига қарамасдан, биз 63 эмас, баъзи жойларда 56 фоизга туширдик. Ноз-неъматлар кўпайсин дедик, одамлар ер олишсин, томорқа олишсин. Аҳолига оз эмас, нақд 350 минг гектар суғориладиган ердан ўлчаб берилди. Шу қарор туфайли 1,5 миллион оила, ҳаммаси бўлиб 9 миллионга яқин кишилар, инсонлар манфаатдор бўлди, кўпдан бери орзу қилган мақсадига эришди.

Одамлар уй-жой солишсин, ноз-неъмат етиштирсинлар, даромад қилсинлар, бой бўлсинлар, ўшанда давлат бой бўлади, ўшанда давлат ҳақиқий давлатга ўхшайди. Қаранг, ҳозир Ўзбекистонда 700 минг янги хўжалик пайдо бўлди, шунинг орқасидан одамлар ўзининг келажак турмушини кўраяпти. Шахсий уйларни қуриш эса икки йил давомида 3,2 фоиз ошди. Бунинг нимаси ёмон?

Бу сиёсатга қарши чиққан баъзи бир эл дардидан узоқ кимсаларга халқимиз ўзи жавоб беради, албатта. Қаердадир бу фармон бажарилмаётган экан, бунинг учун Каримовнинг ёқасидан олиш керак эмас. Жойлардаги курсига ёпишиб олган раҳбару раҳбарчаларни уйқудан уйғотиш учун сиз, депутатлар ҳам менга ёрдам беришларингиз керак. Мен сизларга таянишим лозим. Биргалашсак ҳар қандай тўсиқни чилпарчин қиламиз, албатта.

Ўқитувчиларга, талабаларга, ўқувчиларга, уруш ногиронларига ва бошқаларга ёрдам бериш, уларни қўллаб-қувватлаш ҳақида фармонлар қабул қилинди. Бу ишни ҳеч қачон тўхтатмаймиз. Зиёлидан, илмдан юз ўгирган раҳбар зулмат ичида қолади, келажакдан маҳрум бўлади. Оқил, доно раҳбар меҳрибон ота сингари энг аввало ана шу ҳақда қайғуриши керак. Кимдир бу фикр асоссиз деса ҳам майли, гапираверсин, лекин биз бу йўлдан қайтмаймиз.

Ўқитувчи, талаба, ўқувчи, келин-куёвлар, медицина ходимлари, оналар ҳақида бундан кейин ҳам, ҳар қандай оғир шароитда ҳам ғамхўрлик қиламиз, акс ҳолда бу жамиятнинг, бу давлатнинг умуман кераги йўқ.

Куни кеча давлатдан маош оладиган, давлат ёрдамига муҳтож бўлган ишчиларимизга, қарияларимизга, ёшларимизга, студентларимизга, ҳунар-техника ўқув юртларида ишлайдиган ходимларга, илмий-ўқув юртлари ходимларига, давлат корхоналари хизматчиларига оладиган ойликларини, ҳаётимизда кучаяётган қимматчиликни ҳисобга олиб, 30—50 фоизга кўпайтирдик. Буни амалга ошириш учун ҳаммаси бўлиб 7 миллиард сўм қўшимча пул топишимиз зарур. Турмуш даражаси пасайиб кетишини кўзда тутиб, халқимизни ҳимоя қилиш йўлида шундай тадбирларни амалга оширишда олдимизда кўп ишларимиз бор.

Қишлоқларни газлаштириш, аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш, чорва молларни кўпайтириш борасидаги фармонлар охирига етиши керак. Тўғри, ҳали жумҳуриятда Президент фармонларини тўла бажаришни таъминлайдиган механизм вужудга келмаган. Шу сабабдан «Отангга бор, онангга бор» қабилида иш тутилмоқда. Яқинда мен фармонларни назорат қилиш бўлимини туздим. Жойларда ҳам ана шундай бўлимлар керак, токи хайрли ишларимиз қоғозда қолиб кетмасин.

Ўтган етмиш тўрт йил мобайнида сохта сиёсат туфайли одамларга «сизни давлат боқади» деган ёлғон ақида сингдириб келинди. Бу халқни қулга айлантириш, унинг меҳнати самарасини тортиб олиш учун қилинган. Бугун киши ўзини ўзи боқиш йўли пайдо қилинди, яъни меҳнатнинг асосий қисми ўзига қайтишига эришиш учун қайғураяпмиз. Биз тадбиркорларга йўл очиш, шахсий хўжаликларни ривожлантириш учун 1 миллиард сўм ажратиш ҳақида фармон қабул қилдик. Нега? Бунинг замирида нима бор? Ҳам халқнинг, ҳам давлатнинг тақдири бор. Лекин афсуски, ажратилган маблағлар нима учундир ўз вақтида ўзлаштирилмаяпти. Бунинг сабабларини аниқлашимиз, яқин кунларда давлат ажратган маблағдан самарали фойдаланиш тўғрисида қўшимча тадбирлар қабул қилишимиз зарур деб ўйлайман.

Энди икки оғиз сўз пахта нархи борасида. Ахир йиллар давомида бу масалада фақат гапдан нарига ўтилмас эди. Пахта нархи 2,5 йилда 4,5—5 марта ўсди. 2200 сўм эди, 10 минг сўмдан ошди. Шу борада яна битта рақам келтираман. Сурхондарё вилояти ўтган йили 485 минг тонна пахта топшириб, 700 миллион сўм даромад қилганди. Бу йил эса 465 минг тонна, эътибор беринг, 20 минг тонна кам топшириб, 1 миллиард 20 миллион сўм даромад қилди. Ўзгариш борми? Бу пул қаерга кетади? Москвагами, Тошкентгами, халққами? Бугун ҳамма вилоятларимиз ана шундай имкониятга эга бўлишди. Демак, бу борадаги фармонлар кучли, қудратли, ҳаётий экан деган хулоса қилишга ҳаққимиз борми?

Бошқа бир кичкина мисол. Келин-куёвларга мебелни арзонроқ сотиш ҳақида фармон чиқарган эдим. Айримлар буни обрў топиш учун қилинди, дейишди. Агар обрўга зор қолинса, уни топишнинг бошқа йўллари кўп. Бу фармон замирида ўзимнинг ҳам болалигим бор. Ерда, бўйранинг устида мук тушиб дарс қилганмиз. Бугун ҳам стол-стул, мебель кирмаган уй озми? Мен янги оилага маданият белгилари, тараққиёт белгилари кириб боришини назарда тутиб, ўша фармонни чиқарганман. Кимки уни қатъий бажараётган бўлса, раҳмат, кимки унга риоя қилмаса, бу ҳолни халққа ҳурматсизлик, келажакнинг кўзини ўйиш деб биламиз.

Мен мана шундай ички томонларини айтмасликка қарор қилгандим. Аммо вақт, айрим мулоҳазалар шунга мажбур этди. Чет эллик тадбиркорларни чорладик, қанча қўшма корхоналар вужудга келмоқда, хориждаги ватандошларимиз билан бирлашдик. Бирортасининг ортида Каримовнинг шахсий манфаати йўқ. Ҳаммасининг замирида Ўзбекистон манфаати, Ўзбекистон тақдири бор.

Ўз манфаатини юқори қўядиган одам сиёсатга яқин келмаслиги керак. Нуқул қорин тўйғазишу пўрим кийниш мақсадида юрган шахс учун катта ишларга бош суқишнинг ҳожати йўқ.

Мана, ёшларнинг ҳарбий хизмати бўйича жиддий қадамлар ташланаяпти. Ўзимизнинг мудофаа вазиримиз бор. Энди кимдан сўрашни биламиз. Ўзбекистон ўзининг олтинига ўзи эгалик қила бошлади. Бойликларимизга ниҳоят хўжайин бўлдик. Дунё энди жаҳон харитасида мустақил Ўзбекистон мамлакати пайдо бўлаётганлигини ҳис қилмоқда. Бунга кейинги вақтдаги халқаро муносабатлар ҳам мисол бўлади.

Олдимизда бошқарув системасини такомиллаштириш масалалари ҳам турибди. Ўтган сессияда мен иқрор бўлган камчиликлар, баъзи бир хатоларга йўл қўйганимни такрорлаб гапиришимнинг ҳожати йўқдир. Энди бу сўзларни ҳаётга амалда татбиқ қилишимиз лозим. Бу ишларнинг ҳаммасини сиз, ҳурматли халқ вакилларига таяниб бажаришимиз мумкин. Ҳар хил бўҳтон гапларни — депутатлар белгиланган муддатдан олдин тарқатиб юборилади, деган гапларни фақатгина орамиздаги ишончни йўқотишга уринадиган, адоват уруғини сепадиган ғаламислар тарқатаяпти.

Яна бир масала. «Пахта иши» билан қамалган кишиларнинг тақдирини қайтадан кўриб чиқиш пайти келди.

Ҳурматли депутатлар, азиз дўстлар!

Яқинда мен бир қатор вилоятларда бўлдим, одамлар билан учрашдим, халқ қандай яшаётгани, нималар ҳақида ўйлаётгани, шахсан мендан нима кутишаётгани, қандай фармонлар қабул қилиш ҳақида суриштирдим, қизиқдим.

Ҳозир одамларнинг асосий ташвиши битта: қишдан қандай чиқамиз, бизни нима кутаяпти, мустақиллигимиз хавф остида қолмайдими, деган саволлар.

Жойларда гарчи оз бўлсада, кунни ўтказиш учун етарли озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар бор. Аммо назорат суст. Кимлардир халқ ризқи-рўзи ҳисобига бойишмоқда. Нарх устига нарх қўймоқда, бор нарсани ҳам яширмоқда. Бундай жиноятчиликка бефарқ қаралмоқда.

Вилоятлардаги учрашувлардан кейин жиддий бир ҳужжат қабул қилдик. Ў асосан нархлар ошиши, эркин нархлар ёпирилиб келиши, пул қадрсизланиши шароитида аҳолини ҳимоя қилишга қаратилгандир.

Биз биринчи галда: аҳолига талон бўйича сотиладиган маҳсулотларни қатъий назорат қилиш ва одамлар керакли нарсаларни олишларини таъминлаш;

— бор маҳсулотни ўзимизнинг одамларга етказиш ҳамда четдан келиб қилинаётган талон-тарожларга чек қўйиш, ички бозоримизни қўриқлаш мақсадида купон тайёрлаш;

— иқтисодий жиҳатдан синиб бораётган хўжаликлар, корхоналарни тугатиш ва улар ўрнида фермер, деҳқон хўжаликлари, жамоа хусусий мулкчилигини барпо қилиш;

— давлат маблағи ҳисобига кун кўраётганларнинг маошларини ошириш, хўжалик соҳасида ишлайдиганлар маош чегарасини олиб ташлаш;

— аҳолини озиқ-овқат, халқ истеъмол моллари билан таъминлашнинг аниқ режаларини белгилаш;

— чет эл валюталарини ўзимизнинг бозоримизга эркин олиб кириш ва қўлимиздаги пулни валютага эркин алмаштириш сингари ўнлаб масалаларни қўйдик ва узил-кесил хулосалар чиқардик. Натижаси яқин кунларда сезилиб қолади, деб ўйлайман.

Ҳозир бутун диққат-эътиборни қишда ёпирилиши мумкин бўлган очарчилик олдини олишга қаратганмиз. Бугун халқимизни ишонтириб айтиш мумкин, бу даҳшатни енгиш йўлларини топдик, топаяпмиз. Ҳеч қандай миш-мишлар, шов-шувларга, хавотирга асос йўқ.

Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлаб ўтмоқчиман. Кимлардир бизни рус тилида сўзлашувчи халққа қарши қўймоқчи. Бу ҳунук ва ҳавфли ўйин. Шундан эҳтиёт бўлишимиз керак.

Азиз дўстлар!

Мен бугун ҳар бир фармон ҳақида, унинг моҳияти ҳақида алоҳида тўхталмадим. Фақат шуни айтмоқчиманки, халқим олдида, сизларнинг олдингизда виждоним ҳам, дилим

ЯКДИЛЛИК БИЛАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙМИЗ

ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ VIII СЕССИЯСИГА

ТЕЛЕГРАММАЛАР

Олий Кенгаш сессиясининг умумхалқ Президент сайлови тўғрисида қабул қилган қарорини қизғин маъқуллаймиз. Ўртоқ Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг номзоди президентликка муносиб номзод деб ҳисоблаймиз. Чунки у республикамизда барқарорликни сақлаш учун, фахрийлар ва бутун халқ турмуш шароитини яхшилаш учун қўлидан келганча ҳаракат қилмоқда.

Азим РАҲИМОВ,
Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР халқ депутати, Бухоро вилояти Меҳнат, уруш ва қуролли кучлар фахрийлари Бухоро вилоят Кенгашининг раиси.

Маҳмуд МИРОҚОВ,
Умар КАМОЛОВ,
уруш ва меҳнат фахрийлари.

* * *

Андижон машинасозлик заводининг кўп минг кишилик меҳнат жамоаси жумҳурият Президентлигига Ислом Абдуғаниевич Каримов номзоди кўрсатилганлигини қўллаб-қувватлайди.

Ўртоқ Каримов фуқаролар нинг фаровон ҳаёт кечириши учун, жумҳуриятимизнинг иж тимоий-иқтисодий ривожланиши ва равнақи учун катта ҳисса қўшмоқди.

Меҳнат жамоаси номидан:
А. Б. БУРИЕВ,
завод директори.
Л. ШАНОВА,
касаба уюшмаси қўмитаси раиси.
Р. КОМИЛОВ,
меҳнат жамоаси кенгаши раиси.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг VIII сессиясига, ҳурматли Президент И. Каримовга!

Давлат мустақиллиги йўлида амалга ошираётган тадбирларингизни тўла маъқуллаймиз. Бу ишда сизларга омад тилаймиз. Президентликка Сизнинг номзодингизни тўла қувватлаймиз.

Қашқадарё вилояти, Китоб районы Нодира номли 40-ўрта мактаб жамоаси номидан **ШАРОПОВ.**

* * *

Ўзбекистон мустақиллигини қўллаб-қувватлаймиз. Ўзаро фойдали, тенг ҳуқуқли алоқалар тарафдоримиз. Халқимиз ҳаётини яхшилашдан манфаатдор бўлган ҳар бир киши республикамиз мустақиллиги тарафдори бўлган Президентни ёқлайди. Чунки, собиқ СССР 70 йилдан ортиқ вақт мобайнида мамлакатни ва халқни қашшоқликдан чиқара олмади. Сизга хайрли ишингизда муваффақиятлар тилаймиз.

Н. ҒАФУРОВ,
В. ЗЕМСКИЙ,
А. МУСТАФИН,
ўқитувчилар.

* * *

— Биз Хатирчи райони шахсий ёрдамчи хўжалик эгалари иттифоқи жамоаси 29 декабрда бўладиган республика Президенти сайловига Ислом Абдуғаниевич Каримов номзодини кўрсатамиз ва барчамиз якдиллик билан уни қўллаб-қувватлаймиз. Чунки, ўртоқ И. Каримов ҳақиқий халқ Президентидир.

Иттифоқ жамоаси номидан унинг раиси Шойим Набиев.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида 1992 йилда савдо-иқтисодий ҳамкорлик принциплари тўғрисидаги битим хусусида ва Ўзбекистон Республикаси ва Россия Совет Федератив Социалистик Республикасининг расмий делегациялари ўртасидаги музокараларнинг якунлари юзасидан ахборот хусусида.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади:

Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида 1992 йилда савдо-иқтисодий ҳамкорлик принциплари тўғрисидаги битим ва Ўзбекистон Республикаси ва Россия Совет Федератив Социалистик Республикасининг расмий делегациялари ўртасидаги музокараларнинг якунлари юзасидан ахборот маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси
Ш. ИЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил, 18 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси билан Озарбайжон Республикаси ўртасидаги давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисидаги шартномани ратификация қилиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдим этган, 1991 йил 19 октябрда Тошкент шаҳрида имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Озарбайжон Республикаси ўртасидаги давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисидаги шартнома ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси
Ш. ИЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил, 18 ноябрь.

* * *

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси билан Беларусь Республикаси ўртасидаги давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисидаги шартномани ратификация қилиш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ратификация қилиш учун тақдим этган, 1991 йил 6 ноябрда Тошкент шаҳрида имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Беларусь Республикаси ўртасидаги давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисидаги шартнома ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси
Ш. ИЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил, 18 ноябрь.

* * *

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси билан Украина ўртасидаги давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисидаги шартномани ратификация қилиш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдим этган, 1991 йил 28 октябрда Тошкент шаҳрида имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Украина ўртасидаги давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисидаги шартнома ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси
Ш. ИЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил, 18 ноябрь.

Ўзбекистон ихтирочи ва рационализаторлари VII қурултойи

СИНЧКОВ КИШИЛАР

Ёки бунга ноодатий фикрлаш ҳам дейиш мумкин. Негаки, ихтирочи ва рационализаторлар режа, жадвал ёки буйруққа асосланиб ижод қилмайдилар. Улар шоир, бастакор ва рассом каби эркин ижодкор кишиларки, бунда улар мояна олиб турган ишларидан, уй-рўзғор ташвишларидан ортган фурсатларидагина излаш ва топиш завқ-шавқидан баҳраманд бўлишлари мумкин.

Лекин ихтирочилик ва рационализаторлик завқ-шавқдангина иборат эмас. Ўзбекистон Республикаси Ихтирочи ва рационализаторлари жамияти раиси Т. Алимов билан суҳбатимиз шу хусусда борди.

— **Тожиддин Алимович, жумҳуриятимиз техника тараққиёти байроқдорларининг бугунги долзарб вазифалари сираснга нималарни киритган бўлур эдингиз?**

— Аввало, байроқдорлар сўзи ҳақида. Ихтирочи ва рационализаторларга нисбатан байроқдор таъбирининг қиёс қилиниши мутлақо холис гап. Негаки, бу иш билан шуғулланиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Техника ижодкорлиги билан машғул бўлиш ишга ижодий муносабатда бўлувчи кишиларгагина хос фазилат. Лўнда қилиб айтганда, ихтирочи ва рационализаторлар техника тараққиёти соҳасида эришилган ютуқларни жорий этиш билангина қаноатланмайдилар, олинган натижаларни янада такомиллаштиришга ҳам интиладилар.

Бошқача айтганда, каттароқ самара келтирадиган ғояларни ишлаб чиқаришга жорий этишда техника тараққиёти байроқдорлари шахсий жасорат, ижодий матонат кўрсатишга даъват қилинганлар. Бироқ даъватнинг ўзи билан иш битмайди. Улар аллақачон тан олинган ғояларни тафтиш қилишади, ўткир илмий нигоҳ билан диққатга сазовор масалаларни кўплари орасидан саралаб оладилар, охирига етмаган ғояларни амалиётга жорий этиш билан шуғулланадилар.

— **Билишимизча, сўнгги йилларда ихтирочи ва рационализаторларнинг мавқеи пасайиши кузатилляпти. Бунинг сабаблари ҳақидаги мулоҳазаларингизни эшитмоқчи эдик.**

— Тўғри, муаллифлар сони кейинги вақтда 20 минг нафарга камайди. 1990 йили 28,5 минг ихтирочи ва рационализаторлик таклифлари жорий этилди. Бу — 1988 йилдагига нисбатан 48 фоиз кам.

Бу, биринчи навбатда вазирликлар, концернлар, корхоналар ва ташкилотларнинг маъмуриятлари мазкур масала билан жиддий шуғулланмаётгани оқибатидир. Жойларда патент-лицензия, ихтирочилик ва рационализаторлик ишлари юзасидан хизматлар ёпиб қўйилди ёки қисқартириб юборилди.

Фикримизча, бозор иқтисодиётига ўтилиши муносабати билан давлат корхоналар ҳамда ташкилотларга илмий-техника тараққиёти учун маблағларни аямасдан сарфлаш шарт-шароитларини яратиб бериши керак. Бунинг иқтисодий таянчларидан бири — даромад солиғи, деб ўйлаймиз. Бизнингча, ихтирочилик ва рационализаторлик таклифларини ҳаётга тадбиқ этишга сарф этилган маблағлардан даромад солиғи олинмаслиги лозим. Корхоналар ихтирочилик ва рационализаторлик таклифларини амалга оширганлиги учун олаётган даромадларидан янгилик эскиргунига қадар даромад солиғи ундириш инсоф доирасига кирмайди. Янги уйланган йигитдан етти йилгача қарз сўрамаслик ҳақидаги мақол, ахир бекорга айтилмаган-ку!

— **Замон ўзгарди. Ўзбекистон мустақил давлат сифатида шаклланмоқда. Мустақиллик шароитида жумҳурият ихтирочилари ва рационализаторлари иш самарадорлигини оширишнинг истиқболли йўналишлари нималардан иборат?**

— Мустақиллик жамоамиз техника ижодкорлари фаолиятига чуқур сингиб бормоқда. Хўжалик ҳисоби усулида ишлаш мустақиллик сари қўйилган дадил қадамлардан бири бўлди. Менимча, ихтирочилик ва рационализаторлик тараққиёти бундан буён хўжалик ҳисоби усули билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Чунки бу усул ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш ва ишлаб топилган маблағни ўзи тасарруф этиш имкониятларини кенг очиб бермоқда.

Мисол учун бугунги кунда хўжалик ҳисобидаги «Рубикон» ва «Фан» илмий-ишлаб чиқариш марказлари, «ФВС» фирмаси ўзининг махсус ишлаб чиқариш базаларига эга бўлиб қолганини таъкидлаш мумкин. Жамиятнинг Андижон, Самарқанд, Тошкент, Қашқадарё, Бухоро, Жиззах вилоят кенгашлари ҳузурида тузилган хўжалик ҳисобидаги ташкилотлар ҳам самарали иш олиб боряпти.

Хўш, дастлабки яхлит натижалар нималардан иборат? Ихтиро ва рационализаторларнинг жумҳурият жамияти кенгаши, вилоят кенгашлари 1988 йилдан буён муваққат ижодий жамоаларга 16.000 нафардан зиёд кишини жалб этди. Муваққат жамоалар қарийб 12 миллион сўмлик иш бажаришди. 83 ихтиро, 203 рационализаторлик таклифлари жорий этилди. Жамият низомида белгиланган вазифаларни бажариш жамғармасига салкам 2,5 миллион сўм, моддий рағбатлантириш жамғармасига деярли 1 миллион сўм ажратилди. Республикада хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализаторларнинг бир қисми фахрийлар сафида, Ғамхўрлик маъносида улардан 94 нафарига бу йил 22.000 сўм моддий мадад кўрсатилди.

Хўжалик ҳисоби усулида иш юритиш бошқа муаммоларни ҳал этишга ҳам ўз самарали таъсирини кўрсата бошлади.

Бу ҳали мустақиллик йўлидаги илк одимлар. Бу одимларни шаҳдамлаштириш лозим. Ихтирочилар ва рационализаторлар ижодкорлигига моддий, маънавий ҳамда ташкилий жиҳатдан зарур шароит яратиб бериш техника тараққиётига муҳим омил бахш этиши тайин. Бугун иш бошлайдиган қурултой шу ва бошқа масалаларни муҳокама этади.

Суҳбатдош

Ж. ХОЛҚОСИМОВ.

«Ўзбекистон овози», ЎзТАГ ва жамоатчи мухбирларимиз хабар қиладилар

АМИР ТЕМУР ИЗЛАРИ БЎЙЛАБ

Халқимизнинг азалий интилиш ва нияти ҳақиқатга айланди. Унутилган миллий қадриятларимиз, халқ учун фидокор жафокаш инсонларимиз шанига тўқилган бўхтонлар чекиниб, ҳақиқат юзага чиқди.

Биз шу лайтгача буюк саркарда Амир Темурни фақат босқинчи сифатида гавдалантириб келдик. Утмишдошларимизнинг руҳини ёд этаётганимиз бугунги ва эртанги кунимизга ишонч ва чин инсоний эҳтиром белгисидир. Шу мақсадда «Амир Темур ўтган йўллар бўйлаб» илмий экспедицияси ташкил этилди.

Экспедиция иштирокчиси, таниқли тарихчи Мурод Мирзаев бу ҳақда шундай дейди:

— Тарихчи сифатида азалдан мени Амир Темурнинг ҳаёти қизиқтиради. Шу иштиёқ билан архив ҳужжатларидан, қўлёзмаларидан фойдаланиб, Амир Темур Турон давлатининг маданий тараққиётига қўшган ҳиссасини ўргандим. Тўпланган манбалар асосида «Амир Темурнинг мангу обидалари» номли тарихий қўлёзма бунёд бўлди. «Амир Темурнинг вақфи», «Соҳибқирон ҳақида ривоятлар каби қўлёзмалар ҳам тайёрладик. Айтмоқчиманки, буюк саркарда руҳини шод этиш неча йиллардан буён тупроққа қоришиб келаётган обрў-эътиборини тиклаш осон кечгани йўқ. Лекин ҳақиқат эгилса-да, синмайди ...

Жаҳонгир ислом динига эътиқодли, имонли буюк шахс бўлган. Шу буюк эътиқод туфайли давлатда маданий ишларни авж олдирган. Кўплаб масжид, мадраса, мақбаралар бунёд этишга, бой маданий мерос яратишга ўз ҳиссасини қўшган эди. Амир Темур Олтин Ўрдага қарши урушлар даврида Аҳмад Яссавий қабрини зиёрат қилган ва 1394-1395 йилларда буюк инсон қабри устига мақбара қуриш билан шуғулланган.

Бу — аввало соҳибқирон устозлар, ўтган аждодлар руҳини ҳамиша чуқур ҳурмат билан эъзозлаганидан далолатдир. Афсуски, бу тарихий обидаларнинг ҳозирги аҳволи ҳақида ижобий фикр айтиш қийин. Маълумки, 1864 йили Туркистонни ишғол этиш пайтида чор генерали Черняев амрига кўра Яссавий мақбараси тўплардан беомон ўққа тутилган....

Амир Темур ҳаётига бағишланган бу илмий экспедиция давомида «Бибихоним», «Қусам ибн Аббос» (Муҳаммад пайғамбарнинг амакиваччаси)нинг қабри устига қурилган мақбара, «Туркан оқа» (Амир Темурнинг опаси) мақбараси, «Ширинбика оқа (Амир Темурнинг синглиси), «Амир Бурундуқ», «Хўжа Аҳмад», «Ғўри Амир», «Занги ота» мақбаралари, «Оқсарой» обидалари шунингдек, Бибихоним ва Туман оқалар учун ҳам ёдгорликлар бунёд этилган. Бу тарихий обидалар Амир Темурнинг маданий меросимизга қўшган ҳиссасидан дарёдан томчидек.

Афсуски, бу бой мерос ҳозирги кунда ҳароба даражасида эканлиги ташвишланарлидир. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, соҳибқирон шахсига тааллуқли кўпгина асари-атиқалар Россия ва чет эллардаги музейларнинг кўрки бўлиб келяпти. Шаҳрисабздаги Амир Темурнинг ўзи учун қурилган қабр 1960 йилдагина халқимизга маълум этилди.

Амир Темур босган қайноқ излар жумҳуриятимизнинг энг жанубий вилоятлари Қашқадарё тупроғида ҳамон ўз тафтини йўқотган эмас.

Айниқса, Қашқадарёнинг Шаҳрикеш (ҳозирги Шаҳрисабз) шаҳри аҳолиси соҳибқироннинг хокипойи етган жойлар хусусида жуда кўп ривоятлар сўзлаб бердилар. Кешдан сўнг экспедиция давом этган Яккабоғ райони халқи ҳам Қашқа воҳаси тарихида Амир Темурнинг тарихий ўрни ҳақида фахр билан сўзлайдилар.

Буюк тарихий саркарда, бой маданий меросимизнинг асосчиларидан бири Амир Темурнинг руҳи авлодларимиз, келажак авлод қалбида ҳамиша забардастлигича қолаверади.

С. ҲАЙДАВАЛОВ.

• ДЕҲҚОН БЎЛСАНГ, ШУДГОР ҚИЛ

● ШОФИРКОН районидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигининг Акром Икромов бошлиқ бригадаси йиллик режани ортиғи билан бажарганди. Қабул пунктига 200 тоннадан зиёд пахта сотилди. Айни кунларда бу ерда кузги-қишки ишлар авжида. Мавжуд 63 гектар ер шудгорлаб қўйилди.

СУРАТЛАРДА: 1. Ғўзапоя йиғиштирилмоқда. 2. Ерларга ўғит солиб шудгорлаш. 3. Моҳир механизатор Маҳмуд Рўзиев.

В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

• Акс-садо

ОЛТИ СЎМ ЎРНИГА ЙИГИРМА БЕШ СЎМ

Муҳарририятга келган хатда, жумладан, шундай дейилади:

— Ҳурматли муҳаррият! Мен Кўчмурот Арапов Учқўрғон районидаги Охунбобоев номли колхозда истиқомат қиламан. Улуғ Ватан урушида қатнашчисиман. Ёшим етмишда. Район ва қишлоқ кенгаши депутатиман.

Шу йил ёз охирларида, аниқроғи 15 август куни уруш ва меҳнат фахрийлари Турсунбой Юсупов ва Ортиқбой Юнусовлар билан Сирдарёга боришимизга тўғри келди.

Учқўрғон станцияси билет кассаси олдида одам тирбанд. Биз кассирдан кетишимиз жуда зарурлигини тушунтириб илтимос қилдик. У поезд келса, бизларни жўнатиб юборишга ваъда берди. Кеч соат олти яримда 658-номерли Андижон-Тошкент поезди келди. Кассир 30 чоғли одамни проводниклар билан гаплашиб 9 ва 10-вагонларга чиқариб қўйди.

Поезд жилиши билан 9-вагон проводниги олдимизга келиб ҳар бир кишидан 6 сўм ўрнига 25 сўмдан беришимизни талаб қилди.

— Агар бермасангиз кейинги станцияда тушириб юораман, — деб қўрқитди. Биз ноилож айтган пулни тўлашга мажбур бўлдик. Проводник олган пули учун ҳужжат бериш ўрнига биз фахрийларнинг имтиёзли билет олиш ҳуқуқини берадиган ҳужжатимизга эътибор ҳам қилмади.

Кўпинча бир сотувчи харидорнинг 15-20 тийинини уриб қолса унга дашном берамиз. Ҳуқуқ посбонлари, юқори рағбар ташкилотлар тегишли жазосини беришади. Наҳотки ҳар бир кишидан қараб туриб 15-16 сўм ортиқча пул оладиган одамларнинг мушугини ҳеч ким пишт демайди?

Муҳаррият ушбу хатда келтирилган фактни текшириб, ҳал этиш учун Ўрта Осиё темир йўл бошқармасига юборган эди. Бошқармадагилар уни Андижон вагон депосига жўнатган шекилли депо бошлиғи П. Мацепрасдан қуйидаги мазмунда жавоб келди:

— Андижон—Тошкент йўналиши бўйлаб қатнайдиган 658-номерли поезд вагони проводниги А. Насриддинов томонидан хизмат йўл-йўриқларини бузганлиги ҳақидаги К. Арапованинг аризасида айтилган фактлар содир бўлган.

Хизмат-йўриқларини бузганлиги, маст ҳолда вагонга чиққан тўрт йўловчи ҳақида милицияга ҳам, поезд бошлиғига ҳам хабар қилмагани учун вагон проводниги А. Насриддиновга қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди.

Поезд бошлиғи А. Садировга поезд бригадаси иши устидан етарли назорат ўрнатилмаганлиги уқтирилди.

ТАҲРИРИЯТДАН: Хатда вагон проводниги белгиланганидан зиёд йўловчини вагонга чиқаргани, боз устига билет бермай улардан бир неча баробар кўп пул олганлиги айтилади. Жавобда эса бу хизмат йўл-йўриқларни бузган, деб баҳоланади. Наҳотки одамларни шилиш, бошқалар ҳисобига текин даромад орттириш, хизмат йўл-йўриғини бузиш бўлса!

«НАВРЎЗ»НИНГ ИЛК ҚАДАМИ

ЁКИ «ТОҲИР ВА ЗУҲРА»НИНГ ЯНГИЧА ТАЛҚИНИ

Ўтган йили Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси қошида ўзбек миллий мусиқали драма театр-студияси ташкил этилди. Уни «Наврўз» деб аташди. Бу бежиз эмас. Сон жиҳатидан унчалик катта бўлмаган бу ижодий жамоа халқимизнинг ўта миллий бадиий анъаналари, ифода воситаларидан кенг фойдаланган ҳолда узоқ ва яқин ўтмишдаги урф-одатларимиз ҳамда удумларимизни ўз ичига олган асарларни саҳналаштириш ва тарғиб этиш вазифасини ўз зиммасига олган. Унинг саҳна бисоти ўзбек халқи орасида кенг оммалашган достонлар, эртак ва ривоятлар, хуллас, халқ оғзаки ижоди асосида яратилган спектакллардан иборат бўлади. Шунинг учун ҳам саҳналаштирилган асарлар ўта миллийлик билан чуқур суғорилади.

Чолғучилар дастаси — ўзбек мусиқа асбобларидангина иборат. Ашула айтиш услуби — ҳофизларимиз шаклантирган йўлдан олиб борилади. Ижрочиларнинг пластик, яъни ифода ҳаракатлари халқимиз табиатида асрлар давомида сайқал ланган хулқ-атвори, маънавий ва ахлоқий гўзаллиги, ажойиб одатлари заминига қурилган. Бошқача айтганда, бу театрнинг спектакллари аксарият ўзбек музикали драмаларга сингиб қолган Оврупо санъатига хос бадиий ифода воситаларидан мутлақо холи этилади. Бу театр ўзининг бадиий йўналиши жиҳатидан йигирманчи йилларнинг охирида Тўхтасин Жалилов ва Муҳиддин Қориёқубов бошқарган ўзбек мусиқали театрини бирмунча эслатади. У театр ҳам халқ оғзаки ижоди ва этнографик йўналишга эга эди.

«Наврўз» театри ўзининг ана шу бадиий мезонидан келиб чиқиб, С. Абдулла ва Т. Жалиловнинг «Тоҳир ва Зуҳра» музикали драмасини саҳналаштирди. Режиссёр Баҳодир Йўлдошев спектаклни иложи борича достонга яқинлаштириш, саҳнада халқимизнинг асрий ижодига, ҳаёт тарзига мансуб ажойиб анъаналарини ифодалашга эътиборини қаратган. Шунинг учун бўлса керак, спектакль шаклини томоша йўсинида ҳал этган. Айрим кўринишларни ихчамлаштирган, баъзи саҳналарни қисқартирган ва ўзгартирган. Бироқ асарнинг мазмунига путур етказмаган. Спектаклнинг асосий ғояси — Тоҳир ва Зуҳра ўртасидаги пок, садоқатли муҳаббатни тараннум этиш. Саҳнада содир бўладиган воқеаларнинг бари ана шу асосий мақсадга бўйсундирилган. Масалан, пьесага кўра Тоҳир Моҳимга уйланишдан бош тортади. Хон уни қатл этишга буюради. Спектаклда эса аввало Хоразм хони, унинг вазири образлари йўқ. Моҳим Тоҳирнинг Зуҳрага нисбатан самимий ва қизғин муҳаббатини ҳис этиб унга тўсқинлик қилмайди, аксинча, бахт ва омад тилаб она юртига кузатади. Пьеса Тоҳир ва Зуҳранинг фожиали ўлими билан тугайди. Саҳнада эса, режиссёр муҳаббатнинг муқаррарлиги ва тантанасини кўрсатган — Тоҳир ва Зуҳра тирик қолиб, ўз муродумақсадларига етади. Маълумки, халқ бадиий ижодиётида битилган аксарият эртаклар қаҳрамонларнинг орзу-умидлари рўёбга чиқиши билан тугайди. Б. Йўлдошев ана шу анъанага амал қилган. Бу спектаклнинг муқаддимаси ва ҳотимасида ҳам кўринади. Ҳамма ижрочилар пеш саҳнага чиқади, улар ўз қаҳрамонларининг қиёфасида. Жарчи «Ҳой, ҳой одамлар, бўғда битган бодомлар...» деб, залдаги томошабинларга мурожаат қилади. Худди шу тариқа, охирида ҳам жарчининг сўзлари билан спектакль тугайди.

Режиссёр боғ сайри, Хоразм, Сардор манзили, охирги тўй саҳналарида ўзбек халқ қўшиқ ва рақсларидан, танга сочиш, арқон тортиш, от ўйини каби қадимий маросимлардан унумли фойдаланган. Парпи-ҳофиз дойра чертганда кўп қатори Тоҳир ҳам ўйинга тушиб, ҳаммани ҳайратда қолдиради. Бундан ташқари Нозим Тоҳир ва Зуҳра гўдаклигида уларга ном қўйиш жараёнида Қуръони каримдан қироат қилади. Бу хилдаги миллий удумларимизнинг спектаклга сингдирилиши унга томошавийлик бахш этган.

Спектаклнинг мантиқидан келиб чиқиб, режиссёр айрим саҳналарни ўзгача талқин қилган. Масалан, пьесада охирги пардада Сардор Қора Ботир ва Зуҳранинг никоҳ тўйига «Тўйлар муборак...» ашуласини айтиб кириб келади. Қора Ботир уни банд айлайди ва ўлимга маҳкум этади. Б. Йўлдошев бу пардани қуйидагича ҳал қилган. Сардор Тоҳирга саройда тўй бўлаётганини айтади. Тоҳир аламини ичига сиғдиролмай, «Дод, минг дод...» ашуласини куйлайди ва Бобохон саройи томон отилади... Саройда қизлар «Ҳой, ҳой ўлан...» «Ёр-ёр...» қўшиқларини айтиб, келинлик либосида юрган Зуҳрани юпатишади... Қора Ботир Зуҳра ҳузурига кириб севгисини изҳор этади... Шу пайт узоқдан Тоҳирнинг «Бечора кўнгил» қўшиғини куйлаётгани эшитилади... Зуҳра қувонганидан тўрт томонга термулади... Сардор кузатувида Тоҳир саройга югуриб келади. Қора Ботир уни қилич билан қарши олади. Пировардида енгилади. Тоҳир ва Зуҳранинг никоҳ тўйи бошланади. «Ёр-ёр» бошқача кўтаринки руҳда жаранглайди. Икки севишган чимилдиқ тагига киради... исириқ тутатишади... «Ўйнаб, ўйнаб...» ашуласи жўрлигида йигит-қизлар рақсга тушади, дойрада якка ўйин ижро этилади. Базм авжига чиқади. Тоҳир ва Зуҳранинг «Келмадинг гул сайрига...» дуэти такрор янграйди... Охирида ҳар иккаласи «Тўйлар муборак...» қўшиғини айтиб бир бирини қутлайди... Шу билан парда тушади.

Режиссёр айрим мураккаб саҳналарни ҳал этишда рамзий воситаларни қўллаган. Масалан, Бобохон Тоҳирни сандиққа солиб дарёга оқизиб юборишни буюради. Аммо саҳнада на дарё ва на сандиқнинг тасвири бор. Зуҳра «Сув келар ахта-ахта...» қўшиғини айтади. Йигит-қизлар фиғон чекиб унга жўр бўлишади. Икки қиз орқароқда узун мовий рангли матони ерга яқин секин силкитиб аста-секин қадам ташлаб ўтади. Мато ортида Тоҳир ҳам «Сув келар ахта-ахта...» қўшиғини айтиб кўринади ва секин ғойиб бўлади. Гўё мавж ураётган дарё юзида оқиб келаётган Тоҳирни кўраётгандек тасаввур қилади, киши. Зуҳрага эса унинг ёқимли овози дарёдан эшитилаётгандек туюлади.

Спектаклда ҳамма ижрочилар, ҳатто канизак ролларини бажарган артистлар ҳам ўз маҳоратини кўрсатдилар. Энг муҳими, улар, жумладан Ш. Каимов (Тоҳир), Н. Орзимуродова (Зуҳра), О. Мадраҳимова (Моҳим) ўз қаҳрамонларининг қалбини чуқур очиб бериб, томошабинда ишонч ва завқ уйғотганлар. Т. Бекназаров (Бобохон), Ф. Фаёзов (Сардор), Э. Нормуродов (Қора Ботир) каби тажрибали санъаткорлар эса, ўзларининг юксак ижрочилик маҳоратини яна бир бор намойиш этдилар.

Бадиий безакни мусаввир Г. Брим ишлаган. Саҳнада воқеалар содир бўладиган жойларни аниқ ифодалайдиган жиҳоз йўқ ҳисоби. Чироғ ва спектакль жараёнида айрим буюмларни нари-бери қўйиш билан муҳит ўзгартирилади. Фақат артистларнинг маҳорати, топқирлиги, ҳаракатчанлиги туфайли томошабин саҳнадаги муҳит ва шарт-шароитга ишонч ҳосил қилади. Б. Йўлдошев тузган мезонсаҳналар, Н. Мадраҳимова қўйган ажойиб рақслар, чолғучилар ижро этган дилрабо куйлар спектаклдаги воқеаларнинг тез, мазмунли ва таъсирчан ўтишини таъминлаган. Шунинг учун ҳам томошабин, у қайси миллатга мансуб бўлмасин, спектаклни толиқмай мириқиб кўради.

Хуллас, Хуршид Воҳидов раҳбарлигидаги «Наврўз» театрининг тўнғич спектакли — бу ўзига хос ижодий жамоанинг катта истиқболидан далолат беради.

Ф. ЖУРАЕВ,
санъатшунослик номзоди.

АХБОРОТ

ГИЛАМДЎЗ ОЛОВКОРЛАР

Газли конида ёнилғи заҳираси тугаб бораётгани муносабати билан оловкорларни иш билан таъмин этиш муаммоси кўндаланг бўлиб қолди.

Меҳнат жамоаси вилоят маҳаллий саноат бошқармасига бу ерда гилам тўқиш цехини очишни таклиф қилди. Яқинда бу цех ишга туширилди. Дастлабки ўн хотин-қиз тўқувчилик касбини ўзлаштиришга киришди. Кўп ўтмай цехда яна ўттиз киши учун тўқув дастгоҳлари ўрнатилади.

НАСИЯДАН УНГАНИ — ХИРМОНДАН ЧИҚҚАНИ

Қорақўл районидаги Маркс номли жамоа хўжалиги буғдой экишни муваффақиятли тугатди. Хўжаликда шу мақсадда 200 гектар майдон ажратилган эди.

Бунинг 90 гектари чўлдан ўзлаштирилган янги ерлардир. Эрта баҳорда етиштирилган буғдой хўжалик тегирмонида тортилади. Маҳаллий дон маҳсулотлари комбинатининг ҳисобдан чиқарилган техника билан жиҳозлантирилган тегирмони ҳар кеча-кундузда 20 тонна буғдойни тортиб бериш қувватига эга. Келгусида районнинг бошқа меҳнат жамоалари ҳам шу тегирмон қувватидан фойдаланиш ниятидадир.

ФОЙДАЛИ ШАРТНОМА

«Бухараералводстрой» трести бошқаруви Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институти билан шартнома тузиб, ундаги икки кишига мўлжалланган бир палатани ижарага олди.

Бундай шартнома меҳнат жамоаси учун ўн икки минг сўмга тушди, холос. Ҳозиргача трестнинг ўндан зиёд қурувчи ва механизаторлари бу ерда соғлиқларини мустаҳкамлаб қайтишди.

Умуман трест бўлинмаларидаги кишилар соғлиғи тўғрисида бу ерда алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Яқинда олти киши меҳнат қиладиган тиббиёт бўлими ҳам одамларни даволашга киришди. Барча қурилишларда медицина пунктлари фаолият кўрсатмоқда. Шифокорлар қурувчиларни умумий диспансеризациядан ўтказишга киришдилар.

Н. НАИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МУКОФОТГА МАШИНА

Механизатор Муҳаммад Абдуалимовни танийсизми? Шундай савол билан механизатор ишлайдиган хўжаликда яшовчи икки кишига мурожаат қилдим.

— Ҳалиги Бозорбой Усмонов бригадасида ишлайдиган йигитни айтяпсизми? — деди улардан бири..

— Нима эди, бирон гап бўлибдими — деди иккинчиси.

— Тинчлик. Фақат хўжалик раҳбарлари унга бу йил машина берилади, дейишганди. Шу гапдан сизларнинг хабарларингиз борми? Шуни билмоқчи эдим.

— Албатта, бохабармиз бундан. Муҳаммад бу йилги мавсумда кечалари ҳам пахта терди-ёв — деб гапини тасдиқлатиш учун шеригига қаради қорачадан келган ўрта яшар киши.

— Ҳа, унинг бу йилги терган пахтаси 200 тоннадан ошди-да. Машинани ҳам шунинг учун беришаётир, — деди ёнидаги киши шеригининг гапини тасдиқлаб.

Дарҳақиқат, шундай. Жумҳурият Президенти фармонига кўра бир мавсумда 150 тоннадан ортиқ пахта терган ҳар бир механизаторга мукофот учун енгил автомашина ажратилиши керак. Мирзачўл районидаги «Ўзбекистон давлат хўжалиги илғор механизатори Муҳаммад Абдуалимов ҳам бу йилги мавсумда оз эмас — 200 тонна пахта терди. Энди у мукофотга машина олади. Меҳнат қилган кам бўлмайди, деб шунга айтадиларда.

Ш. РЎЗИЕВ.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

TEKNESIS

ТЕХНЕЗИС-ИНФО ЛТД — БУ СУЗСИЗ БАЖАРИШЛИК, СИФАТ, ТЕЗКОРЛИК ҲАМДА БУЮРТМАЧИНИНГ ҲАМИША ҲАҚ ЭКАНЛИГИГА ИШОНЧ ДЕМАКДИР

Бизнинг ускуналаримиз ва дастурий воситаларимиз кўпгина корхоналарга жорий этилган.

Технезис корпорацияларининг Технезис-инфо О. О. О. ташкилотига мурожаат қилсангиз, Сизга:

— яхлит ҳисоблаш тармоқлари;
— битта IBM PC XT/AT хусусий ЭҲМи негизидаги кўптерминалли тизимлари;
1 BM PC/XT/AT негизидаги дастурий техника комплекслари;
— мамлакатимизда ишлаб чиқарилган IBM PC/XT туридаги техника негизидаги дастурий техника комплекслари; Искра 1031 (рангли монохром) ЕС 1841,10, ЕС 1842, СМ 1810;
периферия ускуналари; сканерлар, стриммерлар, лазер принтерлари;
дастурий воситалар (иш ҳақи, УМЦ, банк амаллари ва ҳоказолар);
ксерокслар;
телефакслар;
телефонлар;
автомат жавоб берувчиларни

ЕТКАЗИБ ВА ЎРНАТИБ БЕРИШАДИ

Буюртмачининг хоҳишига кўра «ТЕХНЕЗИС-ИНФО ЛТД ўрнатиб берилган техникани таъмирлаш, унга техника хизмати кўрсатиш ва дастурий воситаларни ишлаб чиқишни ўз зиммасига олиши мумкин. Дастурий воситаларни жорий этиш муддати — 1—2 ой.

ТЕХНЕЗИС-ИНФО ЛТД шартномалар тузишга кўмаклашган шахсларга миннатдорчилик билдиради ва воситачилик хизматлари учун ҳақ тўлашни назарда тутади.

Манзилимиз: 700077, Тошкент шаҳри, Луначарский узун кўчаси, 63-уй.
Телефонлар: 67-25-57, 67-77-06,67-04-90.
Факс: 67-85-86.

1991 йил 30 ноябрда

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ МЕЪМОРЧИЛИК-ҚУРИЛИШ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

ЎЗИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАЙДИ

Самарқанд Давлат Меъморчилик-қурилиш олий билимгоҳи ректорати шу олий билимгоҳни тугатган ҳамма толибларни ва олий билимгоҳни ташкиллаштиришга ёрдам кўрсатган барча олимлар ва мутахассисларни

1991 йил 29 ноябрь куни бўладиган

ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Самарқанд Давлат Меъморчилик-қурилиш олий билимгоҳи ректорати.

БЎЛАЖАК ОФИЦЕРЛАР МАКТАБИ

САМАРҚАНД. Шаҳардаги республика махсус мактаб-интернатини битириб чиққан йигитлардан 700 нафардан ортиқ ўқувчи келажакда офицер бўлишга аҳду паймон қилишди. Шунинг учун ҳам улар мамлакатнинг олий командирлик билим юртларига имтиҳонларсиз қабул қилиндилар.

Бўлажак офицерлар Улуғ Ватан уруши йилларида ҳалок бўлган жангчилар хотирасига тиклинган мемориал комплекс ёнидаги мангу олов ёнида ҳарбий қасамёд қабул қилдилар. Улар билим юртида уч йил давомида пухта ҳарбий таълим оладилар. Айниқса, рус тили ҳамда жисмоний тарбия билан чуқур шуғулланадилар.

СУРАТДА: бўлажак офицерлар.
Р. ҒОФУРОВ олган сурат (ЎзТАГ).

ҲАРБИЙ ИСЛОҲОТ МАСАЛАЛАРИ— ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

ТУРКИСТОН ҳарбий округи Тошкент гарнизонининг бир қанча бўлинмаларида лекциялар ва мунозаралар бўлди. Бу лекция ва мунозаралар мамлакат Қуролли Кучларидаги ислоҳотга, ёшларни ҳақиқий ҳарбий хизматга чақириш тартибидаги ўзгаришларга, Ўзбекистон Республикаси мудофаа сиёсатининг асосий қоидаларига бағишланди. Лекция ва мунозараларни Тошкент округ Офицерлар уйи лекторлари ўтказишмоқда.

Ҳозирги пайтда мазкур масалалар фақат ҳарбийлар ўртасидагина қизиқиш уйғотаётгани йўқ. Шу сабабли Офицерлар уйининг ходимлари қуролли кучларда қайта қуришнинг асосий жиҳатларини тушунтиришга доир ишларни кучайтириб юбордилар. В. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Узхладоторгмонтаж» трести, бир қанча бошқа корхоналарнинг меҳнат жамоаларида ана шу муаммоларга бағишланган суҳбатлар бўлиб ўтди. Улар ёшлар учун аҳлоҳида лекциялар туркумини тайёрладилар. Округ офицерлар уйининг ходимлари Ўзбекистон пойтахтидаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларида тез-тез бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг ҳақиқий ҳарбий хизматга чақириш тартибига ўзгартишлар киритишга таллуқли қарорлари моҳиятини тушунтирмоқдалар.

(ЎзТАГ мухбири).

ТЕРМИЗДА ЁЙМА БОЗОР

«Сурхандарялавснаб» бирлашмасининг тижорат маркази Термизда минтақаларо ёйма бозор ўтказди. Бевосита мол айирбошлаш юзасидан барча битимларнинг учдан бир қисми шу ерда тузилди. Жами 620 минг сўмлик савдо битимлари тузилди. Ишлаб чиқариш—техника йўналишидаги маҳсулотлар, норматив ва фойдаланилмаган материаллар, ишлаб чиқариш чиқиндилари савдога қўйилди.

Термиздаги ёйма бозор қатнашчиларининг доираси кенг бўлди: Тошкент, Москва, Душанбе, Омск, Новосибирск, Томск ва бошқа бир қанча шаҳарларнинг тижорат марказлари, кичик корхоналари, кооперативлари, савдо ташкилотлари ёйма савдога зўр қизиқиш билан қарадилар. Бевосита мол айирбошлаш асосидаги биноқорлик материаллари савдоси жуда қизғин бўлди.

(ЎзТАГ мухбири).

● БУ ҚИЗИҚ

СИЧҚОННИНГ ҚИЛМИШИ

Миср авиакомпаниясининг Қоҳирадан Лондонга қатнайдиган самолётининг учиши яқинда уч соат кечикди. «Ижипшн газетт» рўзномасининг хабар қилишича, бунга оддий сичқон сабаб бўлди. Қандайдир йўл билан самолётга келиб қолган сичқонни учишдан бир неча минут олдин кўриб қолишди. Қўрқиб кетган йўловчилар самолётнинг олдинги қисмига тўпланиб олишди. Самолётга етиб келган аэропорт ходимлари сичқонни тута олишмади, шу сабабли йўловчиларнинг учиб кетишлари учун бошқа самолёт берилди.

● *Иқтисодиёт*

БОШҚАРУВ ХОДИМЛАРИ ҚИСҚАРТИРИЛДИ

Асака шаҳридаги йигирув-тўқув фабрикасида бошқарувда ишлаётган ходимлар сони учдан бир ҳиссага қисқартирилди. Бу тадбир корхона ишлаб чиқаришининг ривожланишига тўртки берди. Кўрсатма берувчилар сони камайгач, фабрикада ишлар ўз-ўзидан ўнгланиб кетди.

Ҳозир корхонанинг барча цехларида ишчилар ҳеч қандай кўрсатмасиз белгиланган топшириқларни ошириб бажаришяпти. Зеро, бу ерда иш пировард натижага қараб баҳоланмоқда. Шу боис, ойлик маошлар ҳам кўтариляпти. Малакали ишчилар 900 сўмга етказиб ойлик иш ҳақи олишмоқда.

Айни пайтда бошқарув ходимлари банд қилиб турган хоналар ҳам бўшаб қолди. Эндиликда бу хоналарда тикувчилик цехи ташкил этиш кўзда тутиляпти. Тез орада цехда чойшаб, болалар кўйлаклари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

— Яқин вақт ичида бошқарув ходимлари сонини тенг ярмига қисқартирмоқчимиз, — дейди фабрика директори М. Ҳасанов. — Чунки топшириқ берувчилар камайган сари ишимиз ўнгланяпти, анчагина маблағни ҳам тежаб қоляпмиз.

К. НИШОНОВ,
Андижон вилояти.

КОРХОНА ТАЪМИРЛАНМОҚДА

Каттақўрғон шаҳридаги ёғ-мой комбинати жамоаси маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида ускуналарни қайта таъмирлаш ва автоматлаштириш тадбирларини амалга оширишяпти. Ҳозир цехларга хориждан келтирилган линиялар ўрнатилмоқда.

Жумладан, экстракция цехида Германиядан харид қилинган «НД—1250» маркали ускуна ишга туширилди. Эндиликда ушбу қурилмалар ёрдамида бир кечакундузда 50 тоннага яқин ўсимлик мойи тайёрланяпти. Шунингдек, цехдаги эскириб қолган кондесатор янгисига алмаштирилди. Натижада ишлаб чиқаришдаги атроф муҳит ҳавоси тозаланиб, комбинат экологик аҳволи бирмунча яхшиланди.

Умуман, корхона маъмурияти таъмирлаш ва автоматлаштириш тадбирларига 354 минг сўм ажратди.

Ғ. ШУКУРОВ,
Самарқанд вилояти.

Янгиликдан хабарингиз борми?

ШИФОБАХШ ТОШКЕНТ СУВИ

Тошкентдаги «Эсперо» илмий-ишлаб чиқариш фирмаси мутахассислари кишилар соғлиғи учун ўта фойдали қурилма яратишди. Ионизатор деб номланувчи бу асбоб ёрдамида ҳаётбахш ичимлик сувини тайёрлаш мумкин.

Бироқ аввал бошдан айтиб қўйиш керак: бу шифобахш сув Тошкент минерал сувидан мутлақо фарқ қилади. У ионларга тўйинтирилган бўлиб, одам организмидаги ҳужайралар фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади, организмни бир қанча касалликлардан фориғ қилишга кўмаклашади. Энг муҳими, бу кишилар учун сув текинга тушади, қурилмани дўкондан ҳарид қилгач, уй шароитида шифобахш сув тайёрлаш имконига эга бўлинади.

Аслида ҳаётбахш сув тайёрловчи асбобни тошкентлик мутахассислар бундан 20 йил илгари ихтиро этишганди. Ўшанда академик В. Воҳидов бошчилик қилган пойтахтдаги хирургия маркази мутахассислари Иттифоқда биринчи бўлиб сув таркибини фаоллаштириш (ионларга бойитиш) тадқиқотларини олиб боришган эди. Сув ва суюқ эритмаларни электр фаоллаштириш соҳасида 20 йиллик иш тажрибасига эга бўлган ихтирочи олим С. Алехин раҳбарлигида амалга оширилган бу хайрли тадбир кўпчилик мутахассислар ўртасида катта шов-шувга сабаб бўлган, Алехин ва унинг тиббиётчилар гуруҳига учта муаллифлик гувоҳномаси ҳам берилганди.

Буни қарангки, кейинчалик 70-йиллар охирларида япон мутахассислари худди шундай асбобни яратишди. Бу мамлакатдаги «Жодик» фирмаси ушбу қурилмаларни оммавий тарзда ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Япон медикларининг фикрига кўра, ионлаштирилган сув қандли диабет, гипертония, буйрак, аллергия, ошқозон-ичак касалликларини даволашда жуда қўл келаркан. Тайёрланган шўр сув эса тана ташқи аъзоларининг куйиши, тери касалликларидан фориғ бўлишига ёрдам бераркан.

Яқинда Японияннинг «Жодик» фирмаси Тошкентда ўтказилган халқаро кўргазмада ўз маҳсулотлари билан қатнашди. Унда биз юқорида айтган сувни ионлаштирувчи қурилма ҳам намойиш этилди. Кўргазмада шифобахш сувнинг фойдалилиги ҳақида машҳур олим, доктор Ишиҳарнинг 24 та қишлоқда ўтказган тадқиқотлари мисол тариқасида келтирилди. Тадқиқ қилинган 14 та қишлоқда узоқ умр кўрувчи аҳоли кейинги 10 та қишлоққа нисбатан анча кўп экан. Бунинг сабабларини тиббиётчи олим қуйидагича изоҳлади: қайси қишлоқда ионлаштирилган сув истеъмол қилинган бўлса, ўша жойда узоқ умр кўрувчилар кўп ва аксинча қайси қишлоқда сув таркиби шўр бўлса, у ерларда узоқ умр кўрувчилар сони нисбатан кам бўларкан.

Албатта, японлар машҳур олим хулосасига ишонч билан қарашди. Шу тариқа сувни ионлаштирувчи асбобга бўлган талаб ҳам кучайиб кетди. Дастлаб бир йилда 400 минг дона ионизаторлар тайёрланди. Кейинчалик маҳсулот ишлаб чиқариш бир неча бараварга кўпайиб, 600 миллион Америка долларига тўғри келди. Бугунга келиб эса истеъмол бозорида бу қурилмаларга бўлган эҳтиёж қондирилди. Ҳозир ионизаторларни Японiядаги ҳар қандай маиший электр-техника дўконларидан топиш мумкин.

Мен бу ерда ҳориж тажрибасини батафсил шарҳлашимнинг боиси бор. Негаки, айнан тошкентлик ихтирочи Алехин яратган ва академик В. Воҳидов синовдан ўтказган асбобни ҳорижликлар биринчи бўлиб кенг жорий этишди. Унинг ҳам жисмоний, ҳам моддий (дейлик, япон фирмаси ионизаторни сотишдан миллионлаб самара кўрди) томондан ўта фойдалилигини исботлашди.

Ҳайриятки, жумҳурият мустақил бўлиб ишбилармонларга кенг йўл очилди. Мана, эндиликда С. Алехин кўп йиллик ўз орзусини амалга оширишга киришди. Тошкентда «Эсперо» фирмасини ташкил этиб, одамлар соғлиғи учун керакли бўлган ионизаторлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Ҳозир бу фирма тайёрлаётган маҳсулотни нафақат жумҳурият, балки Иттифоқ истеъмолчилари ҳам севиб харид қилишяпти. Фирма мутахассислари ушбу асбобни такомиллаштириш устида тинимсиз иш олиб бормоқда. Кейинги тадқиқотлар ижобий натижадан дарак бераётгани рост. Хуллас, яқин вақт ичида тошкентликлар шифобахш ичимлик сувининг яна бир хилидан татиб кўришлари эҳтимолдан ҳоли эмас. Бунга «Эсперо» фирмаси кафолат беради.

А. БОЛИЕВ.

СПОРТ

ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВЛАРИ

● ТЕННИС бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Корея Халқ Демократик республикасида бир неча кун меҳмон бўлиб, ўқувмашқлари бажарди ва ўртоқлик учрашувларида қатнашди. Теннисчиларимиз дастлабки икки учрашувни кореялик армиячилар билан ўтказиб, 6:5 ва 9:2 ҳисобига мувоффақият қозонишди. Темирйўлчилар билан бўлган учрашувлари ҳам мухлисларда яхши таассурот қолдирди. Бу ўйинда тошкентликлар 6:1 ҳисобида устун келишди.

КУЧЛИЛАР ОРАСИДА

● ЕШЛАР орасида спорт гимнастикаси бўйича бўлиб ўтган мамлакат биринчилиги мутахассислар учун ўринбосарлар кўригига айланди. Москвада давом этган бу мусобақада қатнашган тошкентлик Р. Мақсудовнинг омади келди. Спорт устаси сифида баҳслашган бу спортчимиз шахсий биринчилик бўйича жами 113 балл тўплаб, ғалаба қозонди. Унинг спорт стунидаги чиқишлари иккинчи ўринга лойиқ кўрилди. Р. Мақсудов мазкур машқ бўйича 19,4 балл олган эди.

ЎРНИНИ ЭГАЛЛАШДИ

● МАЪЛУМКИ футбол бўйича шарқий минтақа жамоалари орасида «Океан» ва «Копетдоғ» жамоалари биринчи лигага йўлланма олишган эди. Республикамизнинг «Нурафшон» футболчилари тўртинчи ўринни эгаллаш билан мавсумни якунлашган бўлса, «Автомобилчи» ўн тўртинчи, «Сўғдиёна» ўн олтинчи ўрин билан қаноатланишди. Ўн еттинчи ва йигирманчи ўринларда қолган «Косонсойчи» ҳамда «Сурхон» жамоалари келаси йилдан Ўрта Осиё минтақасида ўйнайдиган бўлишди. Бу жамоаларнинг ўрнини Тошкентнинг «Трактор» ва «Умид» футболчилари эгаллашади.

ОХИРГИ ЎЙИНЛАР

● ФУТБОЛ жамоалари мамлакат биринчилиги якунланганлигига қарамай, учрашувларни давом эттиришмоқда, жумладан «Помир» футболчилари Марокка сафарида юришибди. Улар дастлабки ўйинни Касабланка жамоаси билан ўтказиб, 4:3 ҳисобида устун келишди. Пахтакорчилар эса мамлакат кубоги баҳсларини давом эттирмоқдалар. Эртага футболчиларимиз нимчорак учрашувининг дастлабкисини пойтахт армиячилари билан Тошкентда ўтказишади.

ТУЗАТИШ

Рўзноманинг шу йил 19 ноябрь сонида эълон қилинган «Партия ташкилотларида сайловлар» сарлавҳали материалнинг иккинчи устун пастдан 10 ва 11-сатрлари қуйидагича ўқилсин: «иккинчи котиби, Р. Мухторов котиб — бўлим мудири». **(ЎзТАГ).**

● СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ. Уста Раҳмат Исоқовни Гагарин районида кўпчилик танийди.

Меъморга бу касб ота мерос бўлиб қолган. Унинг бобоси уста Ғиёс, отаси уста Исҳоқлар ҳам ўз даврида меъморчилик моҳирлари бўлишган. Эндиликда авлодлар меъросини уста Раҳматнинг ўғли Солижон ўрганмоқда.

Ҳозир уста Раҳмат ўз лойиҳаси асосида Дубола қишлоғида масжид биносини тиклаяпти. Бинонинг ички ва ташқи томони устанинг моҳир қўли билан нақшинкор безакларда жилоланмоқда.

СУРАТДА: уста Раҳмат (чапда) ва унинг шогирди Нуратилло масжид дарвозасига нақш беришяпти.

И. ХУЖАЕВ (ЎзТАГ) олган сурат.

АНДИЖОН ПАХТАЧИЛИК ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

1992—1993 ўқув йили учун СИРТҚИ ТАЪЛИМНИНГ I КУРСИГА қуйидаги ихтисослар бўйича

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

АГРОНОМИЯ — агроном-олимларни тайёрлайди (ўқиш муддати — 5 йил 7 ой);
ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ — мелиоратор-муҳандисларни тайёрлайди (ўқиш муддати — 6 йил);
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ — қишлоқ хўжалигини механизациялаш бўйича механик-муҳандисларни тайёрлайди (ўқиш муддати — 6 йил).
АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСЛАРИ ТАРМОҚЛАРИНИ БОШҚАРИШ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИ — ташкилотчи-иқтисодчиларни тайёрлайди (ўқиш муддати — 6 йил).

Кирувчилар қуйидаги имтиҳонларни топширадилар:
агрономия ихтисоси бўйича — биология (оғзаки) ва кимёдан (оғзаки) — соҳа бўйича, она тилидан (диктант) — соҳадан ташқари ва «қониқарли» ёки «қониқарсиз» баҳоланади;
гидромелиорация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш ихтисоси бўйича — математикадан (оғзаки) ва физикадан (оғзаки) — соҳа бўйича; она тилидан (диктант) — соҳадан ташқари ва «қониқарли» ёки «қониқарсиз» баҳоланади.

Агросаноат комплекслари тармоқларини бошқариш ва унинг иқтисоди ихтисоси бўйича — математикадан (оғзаки), биологиядан (оғзаки) — соҳа бўйича, она тилидан (диктант) соҳадан ташқари ва «қониқарли» ёки «қониқарсиз» баҳоланади.

Ўрта мактабни олтин (кумуш) медаль, ҳунар-техника билим юрти ёки ўрта махсус билим юртини имтиёзли диплом билан тамомлаган кишилар мазкур факультет учун тегишли ихтисос бўйича кириш имтиҳони топширадилар: агрономия ихтисоси бўйича — биологиядан (оғзаки); гидромелиорация ихтисоси бўйича — физикадан (оғзаки) ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш, агросаноат комплекслари тармоқларини бошқариш ва унинг иқтисоди ихтисослари бўйича — математикадан (оғзаки) имтиҳон топширадилар.

Имтиҳондан «аъло» баҳо олганлар бошқа имтиҳонлардан озод қилинадилар, «тўрт» ёки «уч» баҳо олган тақдирда қолган ҳамма имтиҳонларни топширадилар.

Ректор номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: ўрта маълумоти ҳақида ҳужжат (асли), иш жойидан маълумотнома, меҳнат дафтарчасидан кўчирма, (086/У шаклдаги тиббий маълумотнома, 6 дона фотосурат (3х4 см), Паспорт, ҳарбий билет ёки ҳарбий хизматга чақирилиши ҳақидаги гувоҳнома (чақирилиш ёшидаги кишилар учун) шахсан кўрсатилади.

ҲУЖЖАТЛАР 1991 ЙИЛ 21 НОЯБРДАН БОШЛАБ 1992 ЙИЛ 15 ЯНВАРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ—1992 ЙИЛНИНГ 1 ФЕВРАЛИДАН 20 ФЕВРАЛИГАЧА МУДДАТ ИЧИДА ЎТАДИ.

Манзилимиз: Андижон вилояти, Андижон ноҳияси, Куйган-ёр қишлоғи.

СИЕСАТШУНОСЛИК ВА БОШҚАРУВ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ ҲУЗУРИДАГИ **МИЛЛИЙ БИЗНЕС ДОРИЛФУНУНИ**
брокерлар тайёрлаш гуруҳларига

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Машғулотлар — 1991 йил 20 ноябрдан бошланади.

Тингловчилар мезоний (норматив)) ҳужжатлар тўплаш билан таъминланадилар.

Бошқа шаҳардан келганларга ётоқхонадан жой берилади.

ЎҚИШ ДАВОМИЙЛИГИ — 2 ҲАФТА.

Ўқиш учун нақд пул билан 2500 сўм;
пул ўтказиш йўли билан 2680 сўм ҳақ тўланади.

Барча масалалар юзасидан 67-06-08, 67-93-00 телефонлари орқали мурожаат қилинсин.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-93, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Ғулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

Йилига 256 марта чиқади.

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 6121.

№ 225.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. Босишга топшириш вақти—21.00 Топширилди —22.00. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.